

## БОҶИЙ ФИКРЛАР

Китоб — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

Амир ТЕМУР



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT \* XALQ ZIYOLILARI GAZETASI \* معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 7-aprel, chorshanba № 27 (8260) ISSN 2010-6416

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 6 апрель куни Оқсаройда АҚШ Қурулли Кучлари Марказий кўмондонлиги кўмондони Дэвид Петреусни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги бугунги муносабатлар мустаҳкам ва барқарор эканини, ушбу муносабатларни истиқболда конструктив ва тенглик асосида янада ривожлантириш имкониятлари мавжудлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва АҚШ Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришда, бу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклашда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатимиз Афғонистонга электр энергияси, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат таъминотида амалий ёрдам кўрсатмоқда, транспорт инфратузилмасини барпо этиш ва йўлга қўйишда иштирок этмоқда.


Оқсаройдаги учрашувда Дэвид Петреус самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, АҚШ маъмурияти икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини, шунингдек, Ўзбекистон раҳбарининг қўшни Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги ташаббуслари муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Qaror va ijro

## УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАР



Фарзанд тарбияси жуда кўп омиллarga таянувчи мураккаб жараёндир. Унинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш таълим тизимининг олдига долзарб вазифаларни қўйса, ўғил-қизларимизнинг жисмонан етук ва саломат бўлиб вояга етишларида жисмоний тарбия ва спортнинг ҳам ўзига хос хиссаси бор. Айни пайтда дилбандларимизнинг феъл-атворларида гўзал фазилатларнинг қарор топиши уларнинг мусиқа ва санъатга нечоғлик ошуфта бўлиб улғаяётганларига ҳам дахлдор экани сир эмас.

Ҳа, биз болаларимизнинг меҳрибон, меҳнатларни қадрлаувчи, эзгуликларга эш бўлувчи шахслар бўлиб етишини орзу қиламиз. Шундай экан, уларнинг қалбига мусиқа муҳаббатини ҳам жо эта олмағимиз шарт. Ахир, биз хонадонлари тўрига дутору доирани ардоқлаб илиб қўйган, шодлигу аламларини ўланлари қатига жо этган миллатнинг авлодларимиз.


(Давоми 16-бетда.)

## НАФОСАТ МАДАИКАЛАРИ

Нафислик, жозоба, нафосат. Бу таърифлар бадий гимнастика жозибасини ўзида ифодалайди. Ёш авлод баркамол бўлиб вояга етишида спортнинг ўрни бекиёслиги боис, мунтазам равишда бир қатор мусобақа ва турнирлар ўтказилиб келинмоқда.

Ана шундай гўзал анъана пойтахтимиздаги мухташам «Ўзбекистон» спорт мажмуасида давом эттирилди. Ушбу масканда бадий гимнастика бўйича республика биринчилиги баҳсларининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда 10—14 ёшли қизалоқлар 4 хил йўналишда ўз чиқишлари билан иштирок этди.

— Бугунги мусобақада Тошкент шаҳридаги турли спорт мактаблари ва тўғарақларидан жами 50 нафар гимнастикачи қатнашди. Уларнинг аксарияти турли мусобақаларда иштирок этиб, диплом ва совринларни қўлга киритган, — дейди бадий гимнастика



Burhon RIZOQULOV olgan surat.

Badiiy gimnastika

бўйича Ўзбекистон терма жамоаси катта мураббийси Татьяна Абдурахмонова. — Бадий гимнастиканинг ўзига хос жиҳатларидан бири бу танланган мусиқага ҳамоҳанг тарзда ҳаракатланиш ва гардиш, тасма сингари турли буюмлардан мохирона фойдалана олишдир. Шаҳар биринчилигида голибликни қўлга киритган жами 8 нафар иштирокчи мамлакат чемпионатида йўлланмани қўлга киритадилар.

— Бадий гимнастика билан 4 йилдан буён шуғулланиб келаман, — дейди 10 ёшли Дурдона Шокирова. — Осиё чемпиони Азиза Мамажонова ва 2 карра Олимпиада голиби Алина Кабаевага бўлган ҳавас айнан шу спорт турини танлашимга сабаб бўлган. Тошкент шаҳридаги 19-мактабнинг 4-синфида ўқиш билан бирга 22-спорт мактабида ҳам таҳсил оламан. Келажакда ўз соҳам бўйича етук мутахассис ва жаҳон чемпиони бўлишни орзу қиламан.

Шаҳина Жўраева,  
«Ma'rifat» муҳбири

ГАЗЕТАНИ  
ВАРАҚЛАГАНДА:

ТАЪЛИМ  
ТАРАҚҚИЁТИ  
ЙЎЛИДА

3-бет

«МЕНИНГ  
МАКТАБИМ —  
МЕНИНГ  
ФАҲРИМ»

фарғоналик педагогларнинг  
янги ташаббуси

5-бет

СОҲИБҚИРОННИНГ  
ҲАЁТИЙ  
ПРИНЦИПЛАРИ

9-бет

ТЕЛЕЭКРАН  
"ШАЙДО"ЛАРИ

10-бет



## Чорак якунларига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2010 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришди" маърузасида белгиланган вазифаларнинг Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда бажарилиши, тармоқда инвестицион лойиҳалар, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, модернизация қилиш, экспортбоп маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш ва ҳажмларини кўпайтириш, инновацион лойиҳаларнинг ижроси, янги технологияларни яратиш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар томонидан жами 616,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, хизматлар кўрсатилди ва бу борадаги ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 19,4 фоизни ташкил этди. Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар 286,9 миллиард сўмни ташкил этди. 48 миллион АҚШ долларлик хориж инвестицияси жалб қилиниб, инвестиция дастури ортиги билан бажарилди, экспорт прогнози кўрсаткичлари 124,2 фоиздан ошди.

Йиғилишда, шунингдек, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш-

га қаратилган меъерий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, дастур доирасида олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган қурилиш, реконструкция ишларининг бориши, иқтисодли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш ва уларнинг ўз интеллектуал салоҳиятини намойиш этиши учун шарт-шароит яратиш, уларни турли ёт гоё ва маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Вазирлик ва идораларда, маҳаллий ҳокимлик органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, яратилаётган ахборот тизимларининг интеграциялашган тармоғини яратиш ва электрон ҳужжат алмашуви жорий этилишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда ҳужжатлар билан ишлашни такомиллаштириш, ижро интизомини мустақамлаш, бу борада раҳбарлар ва мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан тегишли топшириқлар берилди ҳамда қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

Меҳнат инсонни улуглайди. Орзу-ҳавасларининг ушалишига йўл очади. Шу ўринда фарзандларимизнинг болалигидан ўз иқтидори, қизиқишларига монанд бирор-бир хунарнинг сир-асрорларини ўрганишларига кўмаклашишнинг аҳамияти катта. Чунки хунар ўрганиш давомида ўғил-қизларимиз ўзларида меҳнатсеварлик, синчковлик, бирор амални ниҳоясига етказмагунча эринмасдан, қўнт билан ишлашдек ажойиб фазилатларни ҳам ўзларида мужассам эга боришади. Шу боис азалдан юртимизда хунар соҳиблари ардоқланган.

## Хунарли киши хор бўлмас...

Яқинда Президентимиз томонидан қабул қилинган «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарор долзарблиги ва таълим-тарбия бобида ҳам муҳим ўрин тутиши билан аҳамиятли бўлди. Негаки, хунармандчиликни ривожлантириш бир жиҳатдан турмуш тарзининг фаровонлигига хизмат қилса, халқимизнинг бадий ва амалий санъатига дахлдор бой ижодий меросининг узвийлигини таъминлашда ҳам бу жараённинг давомийлиги эътиборлидир.

Мен фаолият юритаётган Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги Ўқувчилар ижодиёт марказида ўқувчилар бўш вақтларида «Ранг-тасвир», «Ҳайқалтарошлик», «Графика», «Бадий тўқиш», «Куроқчилик», «Зардўзлик», «Сунъий гул ясаш» сингари бир қатор тўғарақларга қатнашиб, халқимиз томонидан

авлоддан-авлодга ўтиб келаётган хунарларнинг сирларини иштиёқ билан ўрганиб келишмоқда.

Маълумки, кўли гул хунармандларимиз томонидан тайёрланган маҳсулотлар дунё бозорида ҳам юқори баҳолашиб келинаётир. Биргина каштачиликни оладиган бўлсак, республикамизнинг турли ҳудудларида унинг ўзига хос мактаблари яратилган. Дейлик, нуроталик чеварлар томонидан тикилган сўзаналар, ёстиғу белбоғлар, сурхондарёлик опа-сингилларимизнинг ижодий маҳсулларидан кўп жиҳатлари билан фарқланади. Бу билан хулоса қилиш мумкинки, хунармандчиликнинг турли кўринишларида моҳир усталар меҳнат қилишартиқки, уларнинг иш услублари, санъатининг сирларидан ёшларимизни воқиф этиш, қарорда қайд этилганидек, яқка тартибда уй шароитида иш олиб бораётган хунармандлар ишига қизиқиш ва меҳрнинг ортишига хизмат қилади.

Ойдин ХУДОЙНАЗАРОВА,  
Ҳамза туманидаги Ўқувчилар ижодиёт марказининг «Миллий каштачилик» тўғараги раҳбари

## ЁРДАМЧИ "БЕМОР"



Японияда бошловчи стоматологларга яқиндан ёрдам берадиган тиббиёт роботи яратилди. У касб сирларини ўрганаётган бўлажак мутахассислар учун тиш оғриғидан азият чекаётган бемор вазифасини бажаради, деб хабар берди "Ньюс" манбаси.

Бўйи 157 см.га тенг гуманоид "Тмсук" компанияси томонидан бир қатор маҳаллий университетлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилди.

Робот тиш шифокорининг даволаш жараёнида нафасни ушлаб туриши, оғзини очиб-ёпиши, бошини қимирлатиши, қовоғи, жағи, силикондан ясалган тилини ҳаракатлантириши, кўзини очиб-юмиши мумкин.

Агар стоматолог милкка озор етказса, асаб толасига тегиб кетса ёки узоқ вақт пармалаб юборса, Ханакко (роботнинг исми шундай) "оғриқпти" деган овоз чиқаради.

Мазкур техника воситаси ёрдамида март ойининг ўзида 88 нафар талаба амалиётдан имтиҳон топширди.

"Сайнс" журналида чоп этилган маълумотларга кўра, ҳозирда маржон қоялари турларининг учдан бир қисми йўқолиб кетиш хавфи остида.

## МАРЖОНҚОЯЛАР МУАММОСИ


Бундай хулосага биолог Кент Карпентер бошчилигидаги бир гуруҳ олимларнинг сув ҳавзаларида 704 турдаги маржон қояларида олиб борган тадқиқотлари асос бўлди. Уларнинг маълумотларига кўра, бу турдаги табиат бойлиқларининг 32,8 фоизи хавф остида қолган.



Тахминларга кўра, шаффоф олам гўзал мавжудотларининг бундай кўйга тушишига атмосферага катта миқдорда чиқарилаётган карбонат ангидрид гази туфайли кузатилаётган денгиз суви ҳарорати ва нордонлик даражасининг ошиши, денгиз юдузларининг кўпайиб кетиши сабаб бўляпти.



Олимлар тираниннотлар Жанубий ярим шарда ҳам яшаганини исботлашга хизмат қилувчи далил топилди. Австралияда олиб борилган изланишлар натижасида узунлиги уч метр, оғирлиги 80 кг. бўлган ҳайвон суяги аниқланди. У ўзининг яқин қариндоши Tyrannosaurus rex (12 м., 4 т.)дан анча кичик бўлган.



## ХУЛОСАГА АСОС БОР

Мазкур динозавр ҳозирча у қазиб олинган гор номи (NMV P186069) билан аталадиган бўлди. Унинг ёши 110 млн. йилга тенг, дея тахмин қилинапти.

— Фақатгина биттагина суякни топган бўлсак-да, бу митти тираннозаврлар дунёнинг кўплаб нуқталарида яшган деган хулосага келишимиз учун етарлидир, — дейди тадқиқот раҳбари Роджер Бенсон.

## ҚУШЛАР ПАРАДОКСИ

Қишнинг қаттиқ келиши Буюк Британияда митти боғ қушлари миқдорининг кескин камайиб кетишига олиб келди, деб хабар берди қушларни ҳимоя қилиш бўйича Қироллик жамияти.

Маълумотларга қараганда, шу турга кирувчи қора қушлар 20 фоиз, узундум читтақлар 27 фоиз, сарикбош қоролёк (чумчуқсимонларга мансуб қуш) 75 фоиз камайиб кетган. Мутахассисларнинг айтишича, аксига олиб қаҳратон туфайли илгари "камнамо меҳмон" саналган қанотлилар оролда кўпроқ кўзга ташланган.

Туманли альбиондаги 280 мингга яқин боғда 73 турдаги 8,5 млн.дан ортиқ қуш яшаётгани аниқланган бўлса, уларнинг орасида илгари кам кузатилган катта кулранг майна, олтинранг қизилиштон, снегирь, сайроқи қораялоқ каби парвоз вакиллари тез-тез кўзга ташланган.

Орнитологлар бу манзарани маҳаллий аҳоли вакиллари томонидан боғларга қуш уяларини ўрнатиш одати оммалашаётгани билан изоҳлашапти.





Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Конституциямизнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил якунлари ва 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган йиғилишида сўзлаган нутқларида келтирилган факт ва рақамлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг кўплаб эътирофидан халқимиз хабардор ва бу барчамизни қувонтиради. Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт даражаси, айниқса, жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бугунги кунда бежиз қўлга киритилмаганига ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва мафкуравий соҳаларда мамлакатимизда ислохотларни амалга ошириш бўйича Президентимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган стратегиянинг нақадар тўғри ва асосланган эканини исботлаб турибди.

Юртбошимизнинг юқоридаги маърузаларини қайта-қайта ўқир эканман, мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий соҳаларда ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича энг асосий йўналишлар белгилаб берилганига амин бўлдим. Бу ўз ўрнида ҳар бир фуқарони фаолликка ундайди.

турга мувофиқлигини таъминлаш вазифаси туради. Вазифанинг ечими эса, аввало, зиё аҳлининг интеллектуал даражасига ва ташаббускорлигига бевосита боғлиқ. Бу масалада хориж фани ютуқларини ўрганиш, улар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш самарадорликни янада оширишга хизмат қилади.

Таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ва тайёрланаётган кадрлар сифати ислохотларнинг самарасини белгилайди. Бугунги педагог юксак касбий маҳорат билан бир қаторда, ах-

**Dolzarb mavzu**

ёрланаётган кадрлардан мақсадли фойдаланиш механизми яратилмоқда.

Таълим-тарбия — яхлит бир жараён. Юксак маънавият манзилига маърифат орқали бориш мумкинлиги тарихда кўп марта ўз исботини топган. Жаҳон ва миллий педагогикамизда таъкидланганидек, етуклик ва баркамолликка таълимий ҳамда тарбиявий мақсадлар муштараклигида эришилади.

# ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Таъкидлаш жоизки, 2004 — 2009 йилларда мамлакатимизда биринчи марта фаолият кўрсатган икки палатали парламент амалда ўзини оқлади. Мазкур даврда бугунги ҳаётимизнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини белгилайдиган 250дан ортиқ қонун қабул қилинди. Эришилган ютуқлардан яна бири шундаки, бугунги кунда ҳар қандай қонун қабул қилишда Юқори палата депутатлари тимсолида мамлакат ва минтақалар манфаатлари уйғунлиги ва мутаносиблигини таъминлашнинг реал имкониятларига эга бўлди. Қонунчилик палатасида ҳам сайловлар арафасида бошланган соғлом рақобат жамиятимизнинг муайян сиёсий ва ижтимоий қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўзида ифода этган қонун лойиҳаларини тайёрлашга хизмат қилиб, бу ҳолат муайян партиянинг дастурий вазифаларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган профессионал фаолиятда давом этишига шубҳа йўқ.

Маълумки, таълим соҳаси ижтимоий ҳаётнинг ажралмас таркибий қисми, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-маънавий тараққиётнинг истиқболлини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади. Шу боис Ўзбекистонимизда бугунги ёшлар ва келажак авлод манфаатларини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган ҳамда 1997 йил августидан бугунгача "Таълим тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида"ги қонунлар, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури", Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури, болалар ва хотин-қизлар спорти, болалар муסיқаси ва санъатини ривожлантиришга доир ва таълимнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини белгиловчи бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.


Ҳар йили амалиётга изчиллик билан татбиқ этилаётган давлат дастурлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларида белгиланаётган вазифаларни амалга ошириш учун бюджет маблағларининг асосий қисми йўналтирилаётгани халқимизнинг келажакка бўлган ишончининг янада орттиришга эришди. 1997—2004 йилларда Ўзбекистон таълим тизимида мутлақо янги бўлган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини қуриш ва ишга туширишда эъти-

рофга лойиқ бунёдкорлик ишлари амалга оширилган бўлса, 2004—2009 йиллар мамлакатимиз тарихида умумтаълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларини ривожлантириш даври бўлди.

Фахр ва ифтихор билан айтиш мумкинки, бугун энг чекка туманлардаги таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория таъминоти даражаси ва моддий-техника базаси ривожланган давлатлар таълим муассасалари имкониятларидан қолишмайди; давлатимизнинг таълим соҳасидаги тенглик ва адолатга асосланган сиёсатидан баҳраманд бўлмаган шаҳар, маҳалла, овул юртимизда қолмади. 2010—2014 йилларда олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича давлат дастури янги авлод учун олий ва олий таълимдан кейинги таълим олиш учун имкониятларни янада кенгайтиради.

Ўтган қисқа даврда таълим мазмунини ислоҳ қилишга жуда катта эътибор қаратилди: янги Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари ишлаб чиқилди ва татбиқ қилинди, уларни такомиллаштириш жараёнлари давом этмоқда; муқобилликка асосланган янги, жумладан, электрон дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётларининг янги авлоди яратилиб, уларни такомиллаштириш бўйича ишлар муттасил давом эттирилмоқда. Замонавий фан ва техниканинг ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олувчи педагогик ҳамда ахборот олиш, узатиш, алмашиш ва сақлаш технологиялари таълим жараёнига шиддат билан кириб бормоқда. Демакки, ақл-заковатли, етарлича иқтидор ва салоҳиятга эга, ғайрат, шижоат ва кучга тўла, билимли, ташаббускор ва ижтимоий фаол янги авлоднинг истиқболимиз учун масъулиятни зиммасига оладиган мутахассислар бўлиб етишиши учун мустаҳкам замин яратилди.

Конституциямизнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг шу йилнинг 26 январьдаги биринчи мажлиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 27 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги Президентимизнинг сўзлаган нутқларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, биз таълимнинг истиқболларини нималарда кўрамиз?



Амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг барча босқичларида амалга оширилган фаолиятнинг таҳлили ва мониторингига мувофиқ, эришилган ютуқларни миллий ва халқаро миқёсда давом эттириш, мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг яқин ва узоқ истиқболлини белгиловчи стратегия асосида, жаҳон фани ва техникасининг энг сўнгги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ёшларнинг интеллектуал, жисмоний ва ижодий имкониятларини юзага чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Бунда янги рақобатбардош технологияларни яратиш, илғор тажрибаларни мувофиқлаштириш талаб этилади.

Бунинг учун таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория, моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уни энг сўнгги замонавий асбоб-ускуналар ва бошқа воситалар билан мунтазам бойитиб бориш, мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланишга эришиш зарур. Бугун интернетдан оддий уяли телефон орқали ҳам ҳар қандай ахборотни олиш мумкинлиги сир эмас. Шу нуктага назардан, бу имкониятдан ўз ўрнида фойдаланиб, масофавий таълим ва мустақил таълимдан самарали фойдаланишни кафолатлаш лозим.

Фан-техника доимо ривожланишда эканлиги объектив ҳодиса, шунинг учун таълимнинг давлат стандартлари мунтазам равишда такомиллаштирилиши ва ўқув режалари, фан дастурларининг ушбу стандартларга, дарслик ва бошқа адабиётларнинг мазмунини эса ўқув режа ва дас-

борот маконидаги сўнгги маълумотлардан, психология ва инсоншуносликка оид янгиликлардан хабардор бўлишга мажбур, акс ҳолда таълим олувчи ўзи учун зарур бўлган билимлар ва маълумотларни бошқа манбалардан ахтаради. Шу ўринда мустақил таълим соҳасида кейинги йилларда тўпланган тажрибани янада кенгайтириш, шубҳасиз, ижобий самара беради.

Мутахассислар тайёрлашни режалаштиришда бозор иқтисодиётининг асосий қонуни — талаб ва таклифга асосланган, ортиқча меҳнат ресурслари пайдо бўлишининг олди олинади. Шу боис кадрларни иш билан таъминлашнинг амалдаги тизими бугун ўзининг эскирганлигини ҳар жиҳатдан кўрсатгач, бу соҳада ҳам қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Таълим муассасасини битираётган ҳар бир ёш мутахассис томонидан асосий касби билан бир қаторда яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш учун зарур бўлган ҳуқуқий ва иқтисодий билимлар эгаллиниши давр талаби бўлиб қолмоқда. Амалдаги қонун ҳужжатларида ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича жуда кўп имтиёзлар белгиланган. "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган тадбирлар эса ёшларнинг имкониятларини янада кенгайтиради. Ўқув юрти — буюртмачи — истеъмолчи — маҳаллий ҳокимият органлари, мутахассиснинг фаол, амалий ҳамкорлиги ва ушбу жараёнда иштирок этувчи субъектларнинг ваколатларини белгилаш ва унинг бажарилишини қатъий назорат қилиш орқали тай-

Модомики, барча ислохотларнинг моҳияти ва мақсади баркамол шахсни тарбиялашга қаратилган экан, таълим муассасаси, маҳаллий ҳокимият органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, мулкдорлар, ота-оналар, оммавий ахборот воситаларининг доимий ҳамкорлиги ушбу эзгуликни амалга ошира олади. Шундагина вояга етаётган янги авлод вакиллари томонидан қонунчилик, маънавий-ахлоқий талабларнинг онгли равишда бажарилишига ва биз орзу қилган етукликка эриша оламиз.

Таълим муассасаси — муқаддас даргоҳ. Унинг ташқи ва ички қиёфаси, унда амалга оширилган жиҳозлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳамма учун ибрат бўлиши, ушбу даргоҳга қадам қўювчи ҳар бир кишига илм ўрганиш орқали нафақат ўзи, оиласи, балки эл-юрти истиқболлига ҳисса қўшиш мақсадини мужассам этмоғи лозим.

Жамиятимиздаги барқарорлик, халқимизнинг бирдамлиги, келажакимизнинг порлоқлигига бўлган қатъий ишонч, танлаган йўлимизнинг ўтган қисқа 18 йилда эришган асрларга татигулик ютуқларимиз, мамлакатимизнинг бугунги иқтисодий-маънавий кудрати ва олиб борилаётган одилона ички ва ташқи сиёсат таълим тизимида ушбу эзгу ишларни амалга оширишга мустаҳкам замин бўлмоқда.

**Холбой ИБРАГИМОВ,**  
Навий давлат педагогика институти ректори,  
педагогика фанлари доктори, профессор, Олий Мажлис Сенати аъзоси



**✓ ФАРГОНА ВИЛОЯТИДА БЎЛИБ ЎТГАН МИНТАҚАВИЙ ЎҚУВ-СЕМИНАРИДА «ДАВЛАТ УМУМ-МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ЯРАТИЛГАН ШАРОИТЛАРДАН ОҚИЛОНА ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СИФАТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШДА РАХБАР КАДРЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ ОШИРИШ, ПЕДАГОГИК ЖАМОАЛАРНИ АНИК МАҚСАДГА ЙЎНАЛТИРИШ» МАВЗУСИ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.**

Мазкур мавзу юзасидан маъруза қилган Республика Халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбеков ўз сўзида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» асосида мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилган буюк ислохотлар ва уларнинг ижобий натижаларига тўхталди.

Ўтган қисқа вақт ичида мамлакатимиздаги мактаблар янгидан қурилиб, капитал таъмирланди ва замонавий ўқув жиҳозлари би-

лан таъминланди. Янгидан ишлаб чиқилган дастурлар асосида дарсликларнинг янги авлоди яратилди.

Анжуманда алоҳида таъкидландики, агар мактабларда бугун дарс бераётган ўқитувчиларнинг билим савияси, малакаси ва кўникмаси талабга жавоб бермаса, уларга энг замонавий ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича услубий ёрдам берилмаса, Мактаб директор жамғармасидан адолатли, асосли фойдаланилмаса, кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Пе-

дагогик жамоаларда соғлом ижодий муҳит ўрнатилиши, мактаб бинолари ва ундаги ўқув жиҳозларидан оқилона, самарали, тежаб фойдаланиш, спорт залларига, малакали мураббийларга эътибор бериш лозимлиги ҳам семинарда қайд қилиб ўтилди.

Йигилишда, шунингдек, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари таълим тизимида амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар йўналишлар бўйича туман, шаҳарлар кесимида чуқур таҳлил

қилиниб, навбатдаги вазифалар белгиланди.

Семинар иштирокчилари куннинг иккинчи ярмида учта шўъбага бўлинган ҳолда тренинг машғулотларида иштирок этдилар ва мавзулар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, иштирокчилар Фарғона шаҳридаги 40-давлат ихтисослаштирилган мактаби фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

**Баҳоидиржон ШОКИРОВ,**  
**«Ma'rifat» мухбири**

**✓ ИНТЕРНЕТ, ЧАТ, ҚЎЛ ТЕЛЕФОНИ ВА КЛИПЛАР. ЁШ АВЛОДНИНГ ТАРБИЯСИ ТЎҒРИСИДА СЎЗ КЕТГАНДА БУ АТАМАЛАРНИНГ ЎЗ-ЎЗИДАН ТИЛГА ОЛИНИШИ ТАБИИЙ ҲОЛГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ. ШУНДАЙ ВАЗИЯТДА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ЭЪТИБОРИНИ КИТОБГА ЖАЛБ ЭТИШ ЭСА ОЛДИМИЗДА ТУРГАН ЭНГ ДОЛЗАРБ МУАММО БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА.**

Умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида юртимиз бўйлаб ташкил этилаётган «Китобсеварлар» кўрик-танлови ҳам болаларга китобни севиш, уни асраш ва китоб ўқиш маданиятини шакллантириш мақсадида ташкил этилмоқда. Ушбу кўрик-танловнинг Қашқадарё вилояти босқичи Қарши шаҳридаги 25-умумтаълим мактабида ўтказилди. Унда барча туманлардан (13 нафар) гуруҳ жамоалари ўзаро беллашдилар.

Танловда ўқувчилар ўзлари ўқиган асарлар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб, асарлардан парчалар келтирдилар. Шунингдек, китобсеварлар байтбарак, баҳру байт ўйинларида ҳам шеъриятга бўлган муносабатларини намойиш этишди. Ўзлари ёзган шеър ва ҳико-

ялардан парчалар келтириш чоғида ҳамда ўқиган бадиий асарлари юзасидан ижро этган саҳна кўринишлари орқали иштирокчилар орасидан энг китобсеварларини танлаб олиш қийин кечмади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Нишон тумани шарафини ҳимоя қилган 5-умумтаълим мактабининг «Маърифат гулшани» гуруҳи аъзолари ўз билим ва маҳоратларини намойиш этиб, юқори натижаларга эришдилар.

Тадбир сўнгида ғолиб жамоалар вилоят ХТБ-нинг «Фахрий ёрлик» ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Чориёр УМАРОВ,**  
**Нишон туманидаги 5-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари**



**✓ УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ 197-МАКТАБДА ТАБИИЙ ФАҲРАТ ОЙЛИГИ ЯКУНИГА БАҒИШЛАНГАН ФЕСТИВАЛЬ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ УСЛУБХОНА БОШ МЕТОДИСТИ М.МАҲМУДОВА, ФИЗИКА, ФИЗИКА, КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ ФАҲРАТ ОЙЛИГИ Г.ХУДОЙБЕРДИЕВА ХАМДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ ФАОЛ, ИЗЛАНУВЧАН ВА ТАЖРИБАЛИ ЎҚИТУВЧИ-ПЕДАГОГЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**


Кўрик-танлов тарзида ўтказилган фестивалда ҳакамлар ҳайъати ва иштирокчилар эътиборига қилинган ишлар кўргазмаси ҳавола этилди. 296-умумтаълим мактаби биология фани ўқитувчиси Азиза Тешабоеванинг 5-синфларда «Барглarning вазифаси ва хилма-хиллиги, оддий ва мураккаб барглар» мавзусидаги интерфаол дарс ишланмаси, 245-мактаб ўқитувчиси Саодат Амирова бошчилигида 7-«Б» синф ўқувчиси М.Маҳмудова томонидан тайёрланган «Фасллар алмашишининг дарахларда намоеён бўлиши» макети, 197-мактаб ўқитувчиси Дилнавоз Нуриддинова 9-«Б» синф ўқувчиси Моҳира Исмоилова билан биргаликда ўзига хос услубда қоғоздан ясалган, муаммоли саволлар битилган оқуш макети юқори баҳоланди. Шунингдек, 116-мактаб ўқувчилари томонидан тақдим этилган деворий газета, турли ҳайвонлар тасвирланган суратлар, бисер усулида тикилган «Бензол тузилиши» алоҳида эътиборга моликдир.

Тадбирнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, аксар кўргазмали қурол ва макетлар устоз-шоғирдлар ҳамкорлигида яратилган. Масалан, физика фани тўғрисида аъзолари устозлари кўмагида ўзиюрар машина, автокран, кўп қаватли биноларда лифтларнинг ишлаш механизмлари макетларини ўз қўллари билан ясаганлар.

— Табиий фанлар ойлигида ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини ошириш учун турли саёҳатлар ҳам ташкиллаштирилди, — дейди Учтепа туман халқ таълими бўлими табиий фанлар методисти Гулжаҳон Худойбердиева.

Фестивал якунида ҳакамлар турли йўналишларда 197-мактаб жамоаси ишини юқори баҳолади. 296-, 116-, 193-, 238-, 228-, 312-, 194-умумтаълим мактаблари ҳам фахрли ўринларни эгаллади.

**Зарипа АБДУАЗИМОВА,**  
**197-мактаб ўқитувчиси.**  
**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**




**✓ БУХДУ ҚОШИДАГИ АБУ АЛИ ИБН СИНО МАДАНИЯТ САРОЙИДА «ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР» БЕЛЛАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ТЎРТТА ЖАМОА — БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ «АФАНДИНИНГ ЖИЯНЛАРИ», БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИНИНГ «ОМАДЛИ ЖЕНТЕЛМЕНЛАР», ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ «ЁШ ЎЙИНЧИЛАР», ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ЖАЙХУН» ЖАМОАЛАРИ ЎЗARO КУЧ СИНАШДИ.**

Ҳар бир гуруҳ ўзининг бадиий чиқишлари билан давра аҳлига кулгу улашди. Мусобақада БухДУнинг «Афандининг жиянлари» жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Тадбир сўнгида ғолиблар «Қамолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Қувноқ кайфият куй-қўшиқлар қанотида давом эттирилди.

— Кулгу инсон умрини узайтиради. Шундай экан, бундай тадбирларнинг кўп ўтказилиши ҳар бир инсонга маънавий ҳордиқ бағишлайди, десак муболаға бўлмайди, — деди тадбир иштирокчиларидан бири Дилнавоз Тоғаева.

**Шаҳрибону ИМОМОВА**



**✓ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙДА БИЛИМИ, ЎҚИШ, ЖАМОАТ ИШЛАРИДА ТЕНГДОШЛАРИГА ЎРНАК БЎЛИБ КЕЛАЁТГАН ЗУККО ВА ТАШАББУСКОР ҚИЗЛАР ТЎРТТА ШАРТ БЎЙИЧА МУСОБАҚАЛАШДИЛАР.**

Айниқса, шарлар ичига яширинган турли фанларга оид саволлар ва иштирокчилар берган жавоблар кўпчиликнинг эътиборини тортди. «Очил дастурхон» шариҳида эса қизлар пазандалик маҳоратини намойиш этишди.

Танлов натижаларига кўра, А.Ҳакимова «Энг латофатли қиз», С.Алламберганова «Энг чаққон қиз» деб эътироф этилди. Т.Одилова, С.Раметова ҳамда Ҳ.Йўлдошева 1, 2, 3-ўринларни эгаллашди. Барча шартларда юқори натижага эришган 215-гуруҳ ўқувчиси Г.Эшбосинова «Лицей маликаси» номига муносиб деб топилди.

Ғолиб ва иштирокчиларга диплом, эсдалик совғалари топширилди.

**Кумар БЕГНИЁЗОВА**

**✓ 2009—2010 ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ «МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ ЎҚУВ ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ВА ШУ АСОСДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ДАСТУР МАЪНАВИЙ ЮКСАК, ҲАР ҚАНДАЙ ЗАРАРЛИ ОДАТЛАР — ГИЁҲВАНДЛИК, ОИТС, ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ КАБИ ИЛЛАТЛАРДАН ХОЛИ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ЎҚИТУВЧИ-ПЕДАГОГЛАР УЧУН ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.**

Таълим муассасаларида ўқувчи-ёшлар учун ташкил этилаётган тадбирлар ва уларда мутахассислар, психологлар, ҳуқуқ-тартибот органлари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари ва ота-оналарнинг бевоқифлиги иштирок этиши юқоридаги дастурнинг нечоғли кенг қамровли эканлигини кўрсатади. Оила — мактаб — маҳалла ҳамкорлиги ана шу дастур-

нинг бир қисми бўлиб, бу уч тарбия ўчоғининг ҳамкорлиги сабаб ёш авлод маънавияти юксалаётгани, оилаларда соғлом муҳитнинг вужудга келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Илк тарбия, албатта, оилада шаклланади. Леоналарнинг бевоқифлиги иштирок этиши юқоридаги дастурнинг нечоғли кенг қамровли эканлигини кўрсатади. Оила — мактаб — маҳалла ҳамкорлиги ана шу дастур-

нинг учун олиб бораётган ҳар бир дарсимизда ўқувчиларга гиёҳвандлик ва кашандалик сингарии салбий иллатларнинг инсон саломатлигига зарари ҳақида сўзлаб беришимиз, ушбу иллатларга қарши курашишни ўргатишимиз, ёшларни жисмоний, ахлоқий, маънавий ва психологик жиҳатдан ҳаётга тайёрлашимиз, уларда масъулият ҳиссини шакллантиришимиз зарур.

Тарбиявий соатлардан, миллий истиқлол ғояси фани дарсларида «Оила — маънавият бешиги», «Ёшлар — гиёҳвандликка қарши», «Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди» мавзуларида викториналар, танлов ва савол-жавоб ташкил этиш ҳам ўз ижобий самарасини беради.

**Сайёра АШУРОВА,**  
**Қасби туманидаги 40-мактаб ўқитувчиси**



*Umummilliy dastur — amalda*

Мақтаб таълимни ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида мақтабларимизнинг қиёфаси бутунлай янгиланиб, моддий-техник базаси замон талаби даражасига келтирилди. Янги андозадаги ўқув жиҳозлари, мебеллар, лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт жиҳозлари билан таъминланди. Қисқа вақт ичида шаҳар ва қишлоқ мақтаблари ўртасидаги тафовут йўқолиб, тенг шароитлар яратилди.

Энди педагоглар олдида янги барпо этилган, капитал таъмирланган биноларни, ундаги барча ўқув жиҳозларини асраб-авайлаш, таълим сифати ва самарадорлигини оширишда кенг фойдаланиш ҳамда ўқувчилар билимини ДТС талаблари даражасига кўтаришдек улуғвор вазифалар турибди.

Ана шу вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш мақсадида Фарғона вилоятида «Менинг мақтабим — менинг фахрим» ташаббуси оммавий тус олди.

ВПҚХТМОИ ижтимоий фанлар кафедраси мудир, педагогика фанлари номзоди, профессор Турсунали Курбонов томонидан худди шу номда қўлланма ҳам яратилди.



# «МЕНИНГ МАҚТАБИМ — МЕНИНГ ФАХРИМ»

## фарғоналик педагогларнинг янги ташаббуси

— Бу қўлланма, — дейди Т.Курбонов, — «2004—2009 йилларда Мақтаб таълимни ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги қарорнинг амалдаги ижросини таъминлаш мақсадида яратилди. Ундан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларда ўз мақтабидаги мавжуд ўқув жиҳозлари, мақтаб ҳудуди, синф хоналари, лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер, спорт анжомларидан унумли, оқилона фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш, шу орқали уларда жамоат мулкига нисбатан масъулият ҳиссини тарбиялаш, ўзидан кейинги авлод, эл-юрт, келажак олдида бурчлилик туйғуларини шакллантиришдан иборатдир.

Мазкур тарбиявий тадбир мақтабларда танлов асосида ташкил этилади. Тадбир уч йўналишда белгиланган бўлиб, биринчиси, «Менинг мақтабим — менинг фахрим» танловини ўтказиш; иккинчиси, «Оила — маҳалла — мақтаб» ҳамкорлиги марказини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш; учинчиси, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган мақтаб қошидаги «Мақтаб фахрийлар кенгаши»ни тузиш ва фаолиятини йўлга қўйишдир. Бу уч йўналиш фаолияти бир муштарак мақсадни кўзда тутуди. Қўлланмада ҳар бир йўналишнинг низомлари ҳам берилган.

**Биринчи йўналиш:** бунда «Менинг мақтабим — менинг фахрим» тарбиявий тадбирининг амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу йўналиш бўйича Мақтабда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

Мақтабдаги барча синфлар, фан кабинетларидаги ўқувчи ўринлари уч қаторга бўлиниб, ўриндиқлар рақамлаб чиқилади. Ўқувчилар санитария-гигиена талаблари асосида ўтқизилади. Шундай қилинадики, дарс жараёнида ҳеч ким бири-бирига халақит бермайди. Ўқувчи ўриндиқларидаги рақамлар унинг кундалик дафтарида ҳам акс этади. Бу эса ўқувчилар билан ишлашни осонлаштиради. Ҳар бир ўқувчи, хоҳ синф хонасида,

хоҳ фан лабораториясида бўлсин, ўзи ўтирган (рақамланган) партанинг тозалиги, созлиги ва сақланишига жавоб беради.

Ҳар куни ҳар бир синфда уч нафар ўқувчидан иборат навбатчилик гуруҳи ташкил этилади. Бунда бир киши бош навбатчи бўлиб, қолган икки нафари эса унга ёрдамчи ҳисобланади. Уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида вазифалар белгиланади. Масалан, бош навбатчи давоматни аниқлайди, доскани артиб синф ҳавосини алмаштиради, гулларга қарайди ва умумий аҳвол ҳақида синф раҳбарига ахборот беради. Ёрдамчи навбатчилар эса ҳар танаффусда хона тозалигига жавоб беради. Навбатчилик қилаётган гуруҳ ўқувчилари ҳафта охирида дарсдан сўнг синф хонаси тозалиги талаб даражасида бўлишини таъминлайди ва бу ҳақда синф раҳбарига ёзма ахборот бериб, навбатдаги гуруҳга топширади. Шунингдек, мақтаб бўйича ҳафтада бир синф ўқувчилари навбатчилик қиладилар ва танаффус пайтларида белгиланган жойлардаги «Назорат постлари»да турдилар ва интизомни тартибга соладилар. Навбатчи синф, мақтаб коридорлари, кириш ва чиқиш эшиклар олди тозалигини таъминлайди, бу ҳақда ҳафта охирида директор ўринбосарига ёзма ахборот беради. Ҳар бир ўқувчига рақамланган «қўлбоғ» тақилади.

Навбатчилар ҳафта охирида ўқувчилар томонидан содир этилган тартиббузарлик ёки яхши ишларни «Навбатчилик ахбороти» дафтаридаги қайдлар асосида ҳисобот беради.

Бундан ташқари, директор ўринбосари, етакчи ва мақтаб ҳамшираси томонидан ҳафта охирида синфлардаги, бино ичидаги ҳолат ўрганилиб баҳоланади ва қўйилган баҳолар махсус дафтarda қайд этилади. Баҳолар жамланиб синфлар кесимида «Кўрик-танлов ойнаси»га қўйилади.

Ҳафталик навбатчилик якуни ҳар душанба куни ўқувчилар йиғинида директор томонидан эълон қилинади ва

голибларга «Ҳафтанинг илғор синфи», «Илғор синф раҳбари», «Илғор синф сардори» номинациялари бўйича кўк матодан тайёрланган тасма тантана билан топширилади. Шундан сўнг, улар шарафига давлатимиз мадҳияси куйлиниб, Ўзбекистон байроғи кўтарилади.

**Кўрик-танлов тўрт босқичда:** синфлардаги гуруҳларро, мақтабда синфларро, ҳудудларро, сўнг мақтабларро (туман, шаҳарлар бўйича) ўтказилади. Фолиблар рағбатлантирилади.

**Иккинчи йўналиш:** «Оила — маҳалла — мақтаб» ҳамкорлиги маркази. Ўтган давр ичида бу иш вилоят ва республикадаги барча таълим муассасаларида оммалашди. «Оила — маҳалла — мақтаб» ҳамкорлигини ташкил этишдан мақсад — баркамол авлодни тарбиялашда оила ва маҳалла муҳитидан, миллий қадриятлар таъсиридан мақсадли фойдаланиш, шу орқали тарбия ишлари ва таълим самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатишдир.

Қўлланмада таъкидланишича, бола тарбиясида ўзаро боғлиқ бўлган уч бўғин — оила, маҳалла, мақтабнинг ўз ўрни бор. Бола оилада дунёга келди, мақтабда хат-савод чиқаради, илм ўрганади, маҳаллада эса камол топади. Агар бу уч бўғин уйғунлашмаса, тарбияда кутилган натижага эришиб бўлмайди. Тадбирнинг мақсади шу учликни ўзаро бир мақсад йўлида бирлаштириб, инсон камолотини таъминлашдир.

Авалло, марказ учун кенг ва ёруғ хона ажратилади. Хонада албатта қуйидаги жиҳозлар бўлиши зарур: давра суҳбатига мўлжалланган айлана стол, шунга мувофиқ стуллар, китоб жавонлари, бир комплект компьютер, видеоаппарат, телевизор, киноэкран ва телефон. Марказда, албатта, мақтабдаги барча ўқувчиларнинг ижтимоий паспорти шакллантирилиши шарт. Ижтимоий паспортда бола шахсига доир барча маълумотлар, шунингдек, уларнинг ота-оналари ва

ўқитувчилар ҳақидаги маълумотлар папкаси ҳам шакллантирилиши мақсадга мувофиқ.

### Кекса авлод тажрибаси — ёш авлод тарбиясига

Ана шундай шиор остида ҳар бир мақтабда учинчи йўналиш сифатида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган фахрийлар кенгаши тузилиши ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш тавсия этилади. Мақтаб микроҳудудида яшовчи энг ҳурматли, билимли, кўпни кўрган отахонлар, нуруний онахонлардан (11—13 нафар) иборат кенгаш таркиб топтирилади. Фахрийлар кенгашининг асосий вазифаси сифатида ўқувчилар давоматини назоратга олиш, улар ўртасида қонунбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олиш, ўқитувчилар, синф раҳбарларига таълимни ташкил этишда ёрдам кўрсатиш, таълим-тарбия жараёнига ота-оналар эътиборини жалб этиш каби долзарб масалалар белгиланади.

Оила — катта тарбия ўчоғи. Унда кекса ва ўрта авлоднинг турмуш тарзи, маданияти, Ватан, эл-юрт, олижаноблик, фидойилик каби қадриятларга муносабатлари фарздларимиз онгига муҳрланиб боради. Оилада шаклланган одоб, ахлоқ, иймон-этикод, ҳаё, ор-номус маҳаллада мустаҳкамланиб боради. Буларнинг бари жамиятда соғлом муҳитни шакллантиришга хизмат қилади.

Юқорида қайд этилганлар жорий йилнинг бошидан Бувайда туманидаги 31-, 46-, 47 ва 5-умумтаълим мақтабларида амалиётга жорий этилди. Натижа эса кутилганидан ҳам зиёда бўлди.

5 март куни мазкур туманда ушбу ташаббус асосида амалга оширилган ишларни ўрганиш ва вилоятдаги барча мақтабларда амалиётга жорий этиш мақсадида вилоят амалий семинари ташкил этилди. Семинар ишида барча туман, шаҳар ХТБ мудирлари, уларнинг

маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, мақтаб директорлари иштирок этди ва ташаббус асосида амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишдилар.

### Натижалар ҳақида ИККИ Оғиз

Ҳақли савол туғилади: хўш, бу ташаббус амалда нима беради?

Олиб борилган тажриба-синов натижалари шуни кўрсатдики, «Менинг мақтабим — менинг фахрим» тарбиявий танлови қуйидаги натижаларни беради:

— мақтаб биноси, синф хоналари, спорт заллари ва улардаги ўқув мебеллари, лаборатория асбоб-ускуналари, ўқув қуроллари, спорт жиҳозларидан кўп йиллар самарали фойдаланишни, уларни сифатли сақлашни кафолатлайди;

— ўқувчиларда ўз Ватанига, жонажон қишлоғига, шаҳри ва мақтабига меҳр-муҳаббат, ундан чексиз фахрланиш туйғусини кучайтиради;

— мулкни, инсон меҳнатини қадрлаш ва уни улуғлаш, шу орқали яратувчанлик фазилатини, хайрихоҳлик, юксак масъулиятни шакллантиради. Бундай шароитда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлиги юқори бўлади;

— ёшлиқдан жамоа бўлиб меҳнат қилиш, ўз манфаатини шу юрт манфаати билан уйғунлаштириш кўникмасини шакллантиради;

— ўзаро ҳамжихатлик, миллий жипслик туйғусини шакллантиради. Бу эса ўқувчилар онгига маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, гуруҳбозлик каби иллатларнинг илдиз отишининг олдини олади;

— фахрий отахон ва онахонларнинг сайқал топган фикр, билим ва тажрибаларидан баркамол авлодни тарбиялашда унумли фойдаланиш имкониятини беради.

Миллий истиқлол ғоясини ёш авлод онгига чуқур сингдиришга қаратилган ушбу тарбиявий тадбир вилоятдаги барча мақтабларда амалиётга кенг жорий қилина бошланди. Бу ташаббусга кўпгина туман, шаҳарлар таълим муассасалари жамоалари сидқидилдан қўшилмоқда. Аминмизки, ушбу хайрли ишлар тез орада ўз ижобий натижасини беради. Зеро, болалар, синфлар ўртасидаги масъуллик туйғуси миллат ва мамлакатнинг тинч-тотувликда юксалишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

**Баҳодиржон ШОКИРОВ,**  
«Ma'rifat» муҳбири



## Iqtisodiy bilim asoslari 8-sinf.

### I. Darsning maqsadi:

**Ta'limiy maqsad:** iste'molchilarning eng muhim haq-huquqlari bilan o'quvchilarni tanishtirish.

Reklamani afzalligi va kamchiliklari haqida tushuncha berish.

**Tarbiyaviy maqsad:** o'quvchilar o'rtasida savdo-sotiq madaniyatini shakllantirish.

**Rivojlantiruvchi maqsad:** bozorda biror tovarni xarid qilish uchun amaliy malaka va ko'nikmalarga ega bo'lish.

**II. Darsda qo'llaniladigan asosiy yangi tushuncha va atamalar:** «reklama», «iste'molchi», «tovarning shtrix-kodi».

**III. Dars uchun zarur jihozlar va ma'lumot manbalari:**

8-sinf darsligi, kadaskop, slaydlar, mavzuga oid rasmlar, Prezident I.Karimovning "Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O'zbekiston sharoitida uni bartaraf etishning yo'llari va choralari" asari. "Fuqarolik kodeksi" kitobi.

## Bir soatlik dars



sudya vazifasini bajaradi.

1-guruh sotuvchini himoya qiladi, shuningdek, reklama va uning afzalliklarini izohlash, 2-guruhga esa xaridorni himoya qilish, reklama va uning kamchiliklarini izohlab berish topshiriladi. "Sotuvchi" o'z kartochkasidagi savol-javobni olib 1-guruhga, "Xaridor" esa 2-guruhga qo'shiladi.

O'quvchilardan sinfdagi partalarda davra qurib o'tirishlari so'raladi.

O'qituvchi va 4 nafar o'quvchi joylarini egalashadi. O'qituvchi, o'quvchilarga yuqoridagi vaziyatda o'z mijozlarini himoya qilishi uchun darslikdagi O'zbekiston Respublikasining "Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi qonunida keltirilgan moddalardan foydalanish kerakligini tushuntiradi.

Tayyorlanish uchun 7 daqiqa vaqt beriladi.

**3. Yangi mavzuni yoritish.**

Tayyorgarlik uchun ajratilgan vaqt tugagandan so'ng, "Iste'molchilar" guruhi 3 daqiqa ichida o'z mijozini himoya qiladi. Guruh fikri eshitiladi. So'ng "Sotuvchi" guruhi ham 3 daqiqa ichida o'z mijozini himoya qiladi.

# «ISTE'MOLCHILARNING HUQUQLARI»

### IV. Darsning bosqichlari va dars taqsimoti:

1. Tashkiliy qism	2 daqiqa
2. Uy vazifalarini tekshirish	3 daqiqa
3. Yangi mavzuni boshlashga hozirlik:	11 daqiqa
a) sahna ko'rinishi;	7 daqiqa
b) guruhlarini joylashtirish.	4 daqiqa
4. Yangi mavzuni yoritish:	19 daqiqa
a) guruhlarda ishlash;	15 daqiqa
b) xulosa.	4 daqiqa
5. Yangi mavzuni mustahkamlash	5 daqiqa
6. Darsga yakun yasash va baholash	3 daqiqa
7. Uyga vazifa	2 daqiqa

Dars boshlangach, o'quvchilarning uyga berilgan vazifalarni qay darajada bajarib kelganliklari daftarni tekshirish yoki savol berish orqali nazorat qilib chiqiladi (3 daqiqa).

O'quvchilar yangi dars mavzusi bilan tanishtiriladi va mavzu doskaga yoziladi. O'qituvchi 2 nafar o'quvchini doskaga chaqiradi va voqea tafsiloti yozilgan topshiriqni beradi. O'quvchilar topshiriq bilan tanishib, voqeani sahnada namoyish etish uchun tayyorgarlik ko'rishadi.

#### Voqea tafsiloti:

**Xaridor:** — Sotuvchidan xaridor bir hafta oldin ko'ylak sotib oldi. Uyiga borganda, xaridi o'ziga yoqmay qoldi. Xaridor do'konga molini qaytarib olib keldi.

Bu holatni ikki o'quvchi sahna ko'rinishida ifodalashadi.

#### Do'kondagi tortishuv.

**Xaridor:** — Bir hafta oldin sizdan ko'ylak sotib olgan edim. Shuni qaytarib olib keldim. U sifatsiz mol ekan.

**Sotuvchi:** — Ko'zingiz qayerda edi? Bizning do'konda sotilgan narsalar qaytarib olinmaydi. Ikkinchidan, balki siz shu molni boshqa do'kondan sotib olgandirsiz?

**Xaridor:** — Yo'q, aynan sizning do'koningizdan xarid qilganman.

**Sotuvchi:** — Nima bilan isbot qila olasiz, ko'ylakning cheki qani?

**Xaridor:** — Cheki mana.

**Sotuvchi:** — To'g'ri, cheki bizning do'konimizniki, lekin ko'ylakka dog' tegibdi-ku?

**Xaridor:** — Olganimda bu dog' bor ekan. Uyga borganda ko'rib qoldim.

**Sotuvchi:** — Yo'q, men baribir molni qaytarib olmayman, chunki katta qilib yozib qo'yganmiz: "Sotib olingan tovarlar qaytarib olinmaydi". Oldindan o'ylash kerak edi.

**O'quvchilardan yuqoridagi vaziyatga o'z munosabatlarini bildirishlari so'raladi.**

— Kim haq? Sotuvchimi, xaridor? Nega?

O'quvchilardan kim sotuvchi haq desa, o'ng tomonga, xaridor haq desa, chap tomonga o'tishi so'raladi. 4 nafar o'quvchi ajratib olinadi. Sotuvchini haq deganlar bir guruh, xaridorni haq deganlar ikkinchi guruhga ajraladi. 4 nafar o'quvchi sud maslahatchilari, o'qituvchi esa

Tomonlarning fikrlari eshitilgach, sudya maslahatchilari bilan maslahatlashib, o'z qarorini, hukmini e'lon qiladi.

**Xulosa.** Qaysi tomon qonunni yaxshi o'rganib, ko'p dalil va asoslarni taqdim etsa, o'sha guruh g'olib deb topiladi. Asosiy maqsad o'quvchilarning o'z huquqlarini ko'proq bilishga va himoya qilishga qaratilishi maqsadga muvofiqdir.

#### 4. Darsni mustahkamlash.

O'qituvchi 10-15 xil tovarning yorlig'ini oldindan tayyorlab olib keladi va o'quvchilarga, darslik yordamida, tovarning qalbaki yoki haqiqiy ekanligini aniqlash vazifasini topshiradi. Bajarish uchun 2 daqiqa vaqt beriladi. Masalan: 6943376288884 13ta raqamdan iborat shtrix-kod. Birinchi ikki raqam 69 — tovarning Xitoyda ishlab chiqarilganligini, keyingi 5ta raqam 43376 — tovar ishlab chiqarilgan firmaning bu mamlakatda ro'yxatga olingan raqamini anglatadi. Keyingi 5ta raqam 28888 — tovar xususiyatlari haqida ma'lumot beradi. Oxirgi 4 raqami esa tovar kodining nazorat raqamidan iborat.

1) chapdan o'ngga tomon juft o'rinda turgan raqamlar qo'shib chiqiladi:

$$9+3+7+2+8+8=37$$

2) chiqqan natija 3 ga ko'paytiriladi:

$$37 \times 3 = 111$$

3) toq o'rinda turgan oxirgi nazorat raqamidan tashqari raqamlar qo'shib chiqiladi:

$$6+4+3+6+8+8=35$$

4) 2-natija bilan 3-natija qo'shiladi:

$$111+35=146$$

5) chiqqan sonning oxirgi raqami 10 dan ayriladi:

$$10 - 6 = 4$$

6) oxirgi natija tovar kodining nazorat raqami bilan bir xil bo'lsa, "Tovar — haqiqiy", bir xil bo'lmasa, "Tovar — qalbaki" hisoblanadi.

Bajarib bo'lingandan keyin kimning tovari haqiqiy, kimniki esa qalbaki ekani aniqlanadi. Tovarning shtrix-kodida qanday ma'lumotlar yashiringanligi to'g'risida darslik asosida tushuncha beriladi. Tovarning reklamasi, uning ahamiyati, ijobiy va salbiy tomonlari xususida fikr bildiriladi.

#### 5. Darsni baholash va yakunlash.

O'quvchilar darsga qatnashishi, sahna ko'rinishlarini tayyorlashi, savollarga javob berishi va tahlil qilishiga qarab baholanadi va darsga yakun yasaladi.

#### 6. Uyga vazifa.

1. Bilimlarni sinash uchun berilgan 1-, 2-, 3-, 5-savollar (og'zaki).

2. Bilimlarni sinash uchun berilgan 4-savol va "Topshiriq" bandi (yozma).

3. "Iqtisodiy huquq asoslari" va "Buni yodda tuting" bandlarini yod olish.

4. Tovar yorliqlaridagi shtrix-kodlari bo'yicha namunalar topib, misollar yechib kelish.

Abduqahhor RAZZOQOV,  
Namangan tumanidagi 22-umumiy  
o'rta ta'lim maktabi o'qituvchisi

# YANGI QO'LLANMA YANGILIGI

Amaldagi o'quv rejasiga binoan grafik ta'lim 8-9-sinflarda berilib, bunda oliy o'quv yurtlarida o'tiladigan «Chizmachilik» kursi dasturining soddalashtirilgan shaklidan foydalaniladi, ya'ni chizmachilik fani bo'yicha ta'lim konsentrik dastur asosida olib boriladi. Bu kursning barcha bo'limlarini o'z tarkibiga olgan bo'lib, unda o'quvchilar o'quv rejada belgilangan 68 soat hisobiga geometrik, proyeksiya, mashinasozlik va qurilish chizmachiligi o'quv materiallarini o'zlashtirishi ko'zda tutilgan. Chizmalarni taxt qilish, chizmachilik shriftlarini o'rganish, geometrik yasashlar sohasidagi mavzularning mazmuni takomillashtirilgan. Bulardan tashqari,

uni o'qitish uchun tanlangan grafik materiallar (chizmalar) asta-sekin oddiydan me'yoriy talablarga qarab o'sib borgan.

Mustaqil bajarish uchun berilgan mashqlar o'quvchilarning o'rtacha (A), yaxshi (B) va yuqori (S) o'zlashtirish imkoniyatlarini hisobga olgan holda tuzilgan. Chizmachilik darsliklaridagi bunday yangilik amaliyotchilarimiz uchun ham qulay. Har bir paragraf oxirida takrorlash uchun savollar, mashqlar, topshiriqlar va testlar bilan darsliklar boyitilgan.

Darsliklardagi chizmalar matnga mos tanlangan. Ya'ni, tushuntirish matni va chizma o'zaro uzviy bog'langan. Chizmalarning yaqqolligi va o'qitish uchun qulayligini oshirish

*Bu sizning kitobingiz, o'qing-o'rganing, asrab-avaylang!*

proyeksiyalash asoslari va aksonometrik proyeksiyalar bo'yicha nazariy qismi grafik ishlab chiqarish bilan boyitildi va kompyuterda chizma bajarishga alohida e'tibor qaratildi.

«Chizmachilik» o'quv dasturining maqsadi o'quvchilarni murakkab bo'lmagan texnik chizmalarni bajarishga, o'qishga va o'z fikrini grafik tasvirlar vositasida ifoda etishga, shuningdek, kompyuter yordamida oddiy chizmalarni yasashga o'rgatish va «Chizma geometriya elementlari bilan chizmachilikni integratsiyalash» bo'yicha yangi pedagogik texnologiyani dars jarayoniga tatbiq etishdan iborat. Shu nuqtai nazardan, umumta'lim maktablarining 8-9-sinflari uchun muallif V.Rahmonov tomonidan yaratilgan «Chizmachilik» darsliklari va «O'qituvchi kitobi» o'quv-metodik qo'llanmalari ayni muddaodir.

Darsliklar yangi usulda sodda va tushunarli tarzda yozilgan. 34ta paragrafga bo'lingan hamda 34ta darsga to'liq to'g'ri keladi. Darsliklarning bu jihati har bir chizmachilik o'qituvchisi, ayniqsa, yosh o'qituvchilar uchun juda qulay hisoblanadi. Qolaversa, chizmachilik darslarini bundan keyin kompyuter yordamida o'qitishga va o'z navbatida elektron darslik yaratishga asos solingan.

Har bir mavzu aniq ajratilgan va

maqsadida ular ranglarda ko'rsatilgan hamda tushuntirish oson ko'chishi uchun bosqichlarga bo'lib berilgan.

Ta'im-tarbiya jarayonida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan suggestologik (masofali) o'qitish, hamkorlikda o'qitish texnologiyalari, didaktik o'yin texnologiyalaridan foydalanib, pedagogik axborot texnologiyalariga ham e'tibor qaratilgan va ularni o'qitish jarayonida qo'llash uchun misollar keltirilgan.

9-sinf o'quv-metodik qo'llanmasida chizmachilik darslariga qo'yilgan hozirgi zamon talablari, shuningdek, chizmachilik faniga qo'yilgan DTS talablari, chizmalarda ko'proq uchraydigan atamalar va detallar izohi, fazoviy tafakkur orqali fazoviy tasavvurni o'stirish, texnik detallar haqida umumiy tushunchalar, texnik detallarga o'lchamlar qo'yish texnologiyalari va chizmachilikdan olimpiada o'tkazish kabilari kerakli chizmalar bilan bayon etilgan.

Darsliklar va o'quv-metodik qo'llanmalar shunday tuzilgan, ular bir-birini to'ldirib, darslarni talab darajasida yuqori saviyada o'tish, o'quvchilarning esa bilim, ko'nikma va malaka egallashlariga imkon beradi, deb hisoblaymiz.

Saida SOBIROVA,  
Navbahor tumanidagi  
1-maktab o'qituvchisi

# MEVALAR BILAN «TANISHUV»

Boshlang'ich  
sinf o'quvchilari  
rining tabiatga

O'qituvchi ijodidan

mehr-muhabbatlari oshishi, ularning meva va poliz ekinlari haqidagi tasavvur va bilimlarini boyitishda she'riy ta'riflardan foydalanish yaxshi samara beradi. Men «Odobnoma», «Mehnat ta'limi» fanlarini o'tishda ana shunday usullardan ijodiy foydalanaman. Bu bolajonlarning tabiatga qiziqishini orttirish barobarida, ularning xotirasini mustahkamlashga ham xizmat qiladi.

## ANOR

Dum-dumaloq toji bor,  
Donachalari bisyor,  
Dardlarga darmon erur,  
U shirin yoki nordon,  
Uni deymiz biz anor.

## OLMA

Hamma uni sevadi,  
Qishin-yozin bo'ladi.  
Deyishar uni olma,  
Ming dardlarni oladi.  
Qarsillatib tishlagan  
Tishlar quvvatli bo'lar.  
Qo'llarga ushlaganda,  
Ko'zlar quvonchga to'lar.

## UZUM

Shoda-shoda marvarid,  
Osilib turar tokda.  
Husayni-yu, kishmishlar  
Kuzda juda yetilar.  
Quv naydi ko'rib ko'zim,  
Bu totligina uzum.

## BODRING

Yashil erur po'stlog'i,  
Ko'pdir uning o'rtog'i.  
Barra bo'lar terganda,  
Karsillaydi yeganda.  
Bu nima tezroq toping,  
Biz bilamiz, bu — bodring!

## LAVLAGI

Uni hamma biladi,  
Qishin-yozin pishadi.  
Yurakka davo bo'lar,  
Asabni ham avaylar.  
To'q qizildir ko'ylagi,  
Bizning go'zal lavlagi.

## TURP

Palov bilan og'ayni,  
To'g'rashib yeymiz uni.  
O'zi ko'k-yashil emas,  
Nordon-u shirin emas.  
Suvga solib qo'yish urf  
Bu mazali bizning turp.

Madina VALIYEVA,  
Toshkent shahridagi  
202-maktab o'qituvchisi



Умумтаълим мактабларида ўқитиладиган фанлар орасидаги узвийлик ва узлуksизлик таълим сифати ҳамда мазмунини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Аввало, «узвийлик» ва «узлуksизлик» сўзларининг луғавий маъносига эътибор қаратсак. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «узв» сўзининг иккита маъноси келтирилган. Бири «узв — бирор бутунликнинг ажралмас қисми, бўлаги», «узвий» эса узвга хос деб изоҳланади. Иккинчиси кўча маънода «узвий — бирор нарсанинг ажралмас қисми, у билан чамбарчас боғланган», дея изоҳланади.

«Узлуksизлик» сўзига эса бирин-кетин, кетма-кет, тинимсиз, мунтазам равишда, изчил равишда, деб талқин берилган.

Ўқув дастурлари ҳамда дарсликларда узвийлик ва узлуksизликнинг таъминланиши ўқувчиларнинг мавзуларни оson, тез ва сифатли ўзлаштиришларига кўмак беради. Бу ҳол улардаги билим, кўникма ва малакаларнинг тадрижий такомиллашиб боришига хизмат қилади. Жумладан, «фанлар шоҳи» математикада ҳам мавзуларнинг бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги ҳамда кетма-кетлиги, шунингдек, унинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги муҳим аҳамиятга эга. Масалан, 5-синф ўқувчиларига натурал сонлар устидаги амаллар ўргатилиб, каср сонлар устидаги амаллар ўргатилмаса, узвийлик бузилади. Агар каср сонлар устидаги амаллар аввал ўтилиб, сўнг натурал сонлар устидаги амаллар ўргатилса ҳам, узлуksизликка тўсиқ қўяди. Бирор математик фан (масалан, алгебра ёки геометрия)да кўп йиллар давомида мавзуларнинг узвийлиги ва узлуksизлиги (кетма-кетлиги) маълум бир гуруҳдаги педагог-мутахассислар учун мақбул тизимга тушган. Ушбу яхлитликни математикада бир мавзунинг иккинчиси билан чамбарчас

(узвий) боғлангани ва мавзулар кетма-кетлиги (узлуksизлиги)нинг қатъийлиги билан изоҳлаш мумкин. У, шунингдек, бошқа фанларнинг математикага бўлган эҳтиёжини қондиради, улар қўйган масалани ўз усуллари билан ечиб, кўмаклашади. Бироқ бунда эҳтиёткорлик зарур. Математик усулда бошқа фанлар масаласини ечиш мобайнида ҳали ўқувчиларга таниш бўлмаган тушунчалар чиқиб қолиши мумкин.

Мисол учун, масала ечиш жараёнида физикада сонлардан илдиз чиқариш амали ма-

вал зарурлиги маълум бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам 8-синф «Алгебра»сида «Тақрибий ҳисоблашлар» боби орқага олиниб, илдизларга оид боб олдинга силжитилди. Бу билан алгебрадаги узлуksизликка зиён етмади, чунки «Тақрибий ҳисоблашлар» боби мустақил ўрганилиши мумкин. Шу билан бирга, иккала фан — алгебра ва геометрия орасидаги узлуksизлик ҳам бу синфда таъминланди.

Узвийлик ва узлуksизлик таъминлигининг сақланиши бир синфдан иккинчисига ўтишда ҳам ниҳоятда муҳимдир. Шу

ларга мос машқлар тизими 4-синфда ҳам, 5-синфда ҳам бор. Фақат, 5-синфда бу мавзулар кўп хонали сонлар учун баён қилинади.

Иккала синфдаги бу туркум мавзуларни, аслида, битта — сонлар устидаги амаллар, уларнинг хоссалари мавзуси бирлаштиради. Шунинг учун ҳам юқоридаги мавзулар 5-синфдаги уларга мос мавзулар билан узлуksиз боғланишда ва «соқддан мураккабга» таъминлиги амал қилинган ҳолда ривожлантирилган.

Сонни ноль билан тугайдиган сонга кўпайтириш, қўшиш

### Dolzarb mavzu

ларни гўзалликни ҳис қилишга, дидли бўлишга ўргатади, балки келгусида геометрияни ўрганишда, рассомлик маҳоратини эгаллашда яхшигина восита бўла олади. Бундай мисолларни, фикримизча, 5-синфда ҳам давом эттириш мақсадга мувофиқ.

4-синфда ҳаракатга оид масалалар дастурдан ўрин олмаган. Аммо учрашма ҳаракат, қарама-қарши йўналишдаги ҳаракат, бир томонга ҳаракат бўйича машқлар (зарур ҳолларда расмлар билан) берилган. Вақт, тезлик, масофа орасидаги боғланиш мисолларда тушунтирилган (98, 99, 107, 120, 122, 136, 169 ва ҳ.к. бетлар). Бу билан 5-синфда ўтиладиган «Ҳаракатга оид масалалар»ни ечишга замин тайёрланган. Бундай масалалар ўқувчи ҳаётида ҳар куни учрайди. Уларни еча билиш эса келгусида ўтиладиган физика курси учун ниҳоятда зарур. 4-ва 5-синф «Математика» дарсликларидagi машқлар тизимида ҳам ўзаро мослик, узлуksизлик мавжуд. Аммо 5-синфдаги айрим матнли масалалар бир нечта саволларни ўз ичига олгани учун ҳажм жиҳатидан катталашган. Масалан, 121-бетдаги 500, 508-масалаларнинг ҳар бирини иккига ажратиб бериш маъқул.

Қисқа қилиб айтганда, таълим тизимида мавзулар, фанлар ва синфлар кесимидаги ўзаро боғлиқлик, мантиқий уйғунлик ва узлуksизликнинг таъминланиши ҳеч кимдан кам бўлмаган билимдон, зукко ва баркамол фарзандларни вояга етказишда мустаҳкам пойдеворнинг бунёд этилганидан далолат беради.

**Шоҳида АРИПОВА,**  
Термиз шаҳридаги 4-ИМИ директори, Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси, Ойгул БЕРДИЕВА, Сурхондарё ВХТХҚТМОИ ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди

# УЗВИЙЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИК

«Математика» дарсликларидa нечоғлик таъминланмоқда?

тематикада бу мавзу ўтилмасдан олдин келиб қолиши мумкин. Бу ҳолда бир-бирига боғланган, алоқадор иккита фан орасидаги узлуksизлик бузилган бўлади. Ҳолбуки, алоҳида қаралганда, иккала фаннинг ўз ичида узлуksизлик бор эди. Бунда икки хил вазият юзага келиши эҳтимолдан холи эмас. Физика фани ўқитувчилари бундай мавзуларни, масалаларни кейинроққа суришади ёки математиклар илдизлар мавзусини аввалроқ ўтишади. Бу каби муаммолар физиклар ва математикларнинг дастур доирасидаги ўзаро келишуви билан ҳал қилинади.

Агар шунга ўхшаш муаммолар математиканинг ўзида, масалан, алгебра ва геометрия орасида юзага келса, унда дастурдаги мавзуларни олдинга ёки кейинга суриш билан ҳал қилиш мумкин. Шундай қилинди ҳам. 8-синф геометрия фанида илдиз тушунчасига бўлган эҳтиёж алгебрада ҳали бу мавзу ўтилмасидан анча ав-

валроқ назардан, ўз тажрибамиздан келиб чиқиб, 4- ва 5-синф «Математика» дарсликларидa бу таъминликларга қандай амал қилинганини таҳлил этайлик. Амалдаги 4-синф «Математика» дарслигида бирлар ва минглар синфидaги натурал сонларни хона қўшилувчилари йиғиндиси кўринишида тасвирлаш баён қилинади. Дарсликнинг «Рақамлаш» деб аталган иккинчи бўлими 5-синфда узлуksиз ва мантиқан ривожлантирилади. Бунда миллионлар, миллиардлар синфларидaги сонларнинг хона қўшилувчилари йиғиндиси шаклида ифодаланади. Минглар синфидaги миллионлар синфига ўтиш жараёни раван, силлиқ амалга оширилган. Натурал сонлар устида 4 амал (қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлиш)нинг тўғри бажарилганлигини текшириш усуллари, амалларни бажариш тартиби, қолдиқли бўлиш, сонли ифодалар, тенгламалар каби мавзулар,

ва кўпайтириш қонунларига оид мавзулар иккала синф дастурида ҳам бор. Уларнинг 4- ва 5-синфларда ўзаро уйғунликда баён этилиши иккала дарсликни ёнма-ён қўйиб таққослашдаёқ кўринади.

Узунлик, юз бирликлари, кесма, бурчак, куб, тўғри тўртбурчакнинг юзи сингари геометрик мавзуларнинг иккала синфдаги баёни ҳам ўзаро узлуksизликда, бир-бирининг мантиқий давоми сифатида тўлдиради.

4-синф «Математика» дарслигида ясси шакллар (38-бет), фазвий жисмлар (39-бет) расмлар орқали таништирилган. Улар алоҳида мавзу сифатида дастурга киритилмагани учун ўрганилмайди. 5-синфда эса тўғри бурчакли параллелепипед ва куб, уларнинг сирти ва ҳажми дастурга кўра, алоҳида мавзу сифатида баён этилади.

4-синфда нақшларни чизиб олиш ва бўйлаб оид машқлар борки, улар нафақат ўқувчи-

## ТўРТ МУЧАСИ СОҒЛОМ БЎЛСИН

— Бир, икки, уч! Қўлларни тепага кўтарамиз, сўнгра ён томонга ва ниҳоят, пастга. Кўтарганимизда нафас оламиз, туширганимизда чиқарамиз. Қани, бошладик. Чаққон, чаққон!

Жисмоний тарбия мураббийси Шаҳноза Йўлдошеванинг ҳаракатларини кузатиб турган болакайлар эрталабки бадантарбия машқларини худди у сингари бажаришга киришадилар. Машқларга мос тарзда жаранглаётган мусиқа тарбияланувчиларга илҳом беради. 15 дақиқалик жисмоний машқларни ҳар бир бола бажариб бўлгач, уларни тарбиячи ювиниш хонасига бошлаб кетади.

Нонушта маҳалида эса... онасининг қийин-қистовга олишига қарамай, тузук-куруқ овқатланмаган боланинг ҳам иштаҳаси очилгандан-очилади.

Мактаб ёшига етмаган фарзандларни жисмоний жиҳатдан чиниқтириш масаласига Қўшрабат туманидаги «Лола» номли 2-мактабга таълим муассасаси педагогик жамоаси жиддий ёндашмоқда. Ҳафтанинг беш куни мобайнида нонушадан аввалги бадантарбия машқларини болажонлар астойдил бажаришади. Ҳар куни бир хил машқларни такрорлаш бола учун зерикарли, шу боис богчанинг жисмоний тарбия мураббийси Шаҳноза Йўлдошева машқларни тез-тез ўзгартириб туради. Масалан, оёқларни бир-бирига чалкаштириб олдинга қадам

ташлаш, қўлларни елка устига қўйиб, гоҳ олдинга, гоҳ орқага айлантириш, бармоқларни бир-бирига ишқаш бола мускулларини, унинг қўл моторикасини ривожлантиради. Айни пайтда мураббийнинг бу жисмоний машқларни жон-дили билан бажариши болаларни завқлантиради. «Жисмоний тарбия бурчаги»га осилган Ўзбекистоннинг спорт юлдузлари — Абдулла Тангриев, Миржалол Қосимов, Ирода Тўлаганованинг портретлари кичкинтойларда ҳавас уйғотади.

### 2010-yil — Barkamol avlod yili

Мактабга таълим муассасаларида ҳам йиллик режа тасдиқланиб, шу асосда иш юритилади. «Лола» муассасасига қатнайдиган 100 нафар кичкинтой 4та гуруҳга бириккан бўлиб, йиллик режа бўйича таълим-тарбия ишлари ташкил қилинмоқда. Жисмоний тарбия машғулотлари алоҳида йўналиш бўлиб, асосий диққат-эътибор болани соғломлаштиришга, ундаги заиф жиҳатларни йўқотишга қаратилади. Муассаса ўз спорт залига ва 20x60 метр ҳажмдаги ташқи майдончага эга, йил фаслларининг ўзгаришига қараб, жисмоний машғулотлар олиб борилади. Спорт залида ҳалқалар, нарвончалар, копток ва арқонлар, кум халталар мавжуд. Ёзги спорт майдончасида эса кумли йўлак бор. Кум билан

ўйнаш ҳар бир болага мароқли. Кунлар исиши билан болалар бу майдончада югуриш, сакраш машқларини бажаришади. Волейбол сеткасида ўтказиб, коптокни ерга тушириш ҳам болажонлар учун энг қизиқарли машғулотдир.

«Соғломжон-полвонжон» мусобақаси оммавий тусга киргандан бери барча мактабга таълим муассасалари бу тадбирда фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Дастлаб гуруҳларро, сўнгра туман МТМлари ўртасида, кейинги вилоят босқичига чиқишда бир нечта спорт ўйинлари бўйича мусобақалар ташкил қилинади. Велосипедчилар пойгаси, 200 граммлик кум халтани улоқтириш, ҳалқалар орасидан югуриб ўтиш, узунликка сакраш, югуриш, арқончада сакраш каби жисмоний ҳаракатлар тарбияланувчиларни эпчилликка, чаққонликка ва бир-биридан қолишмасликка ундаш баробарида уларнинг жисмоний ривожланишига ҳам ижобий таъсир қилади.

— Жисмоний жиҳатдан соғлом бола мактабга чиққач, фанларни ўзлаштиришда ҳам қўйинчиликка учрамайди. Тўрт мучаси соғ, деган нақл ҳам бежизга айтилмаган. Айрим болалар яссиоёқ буни бартараф этиш лозим. Чунки улар ўсиб ривожланиш даврида ана шу нуқсон туфайли жиддий муаммоларга учраши мумкин. Яссиоёқли болажонлар учун муассасамизда

ялпоқ тошлар келтирганмиз. Кичкинтой тош ораларида юриб машқ қилаверса, яссиоёқлиги анча йўқолиб боради. Тарбиячилар жисмоний машқлар ва машғулотларни ўтишда зарур бўладиган турли услубий қўлланмалардан фойдаланишади, — дейди услубчи Иззатой Нурманова.

Дарвоқе, туман халқ таълими бўлимига қарашли мактабга таълим муассасалари орасида бу даргоҳ ўзига хос тажрибаси билан ажралиб туради. Замонавий бинода жойлашган маскан икки йил муқаддам богча-мактаб мажмуасига айлантирилган эди. Айни пайтда унда 3та бошланғич синф ташкил этилган ва ўқувчиларни ҳам жисмоний жиҳатдан чиниқтиришга мўлжалланган машғулотлар олиб борилмоқда.

— Богча-мактабни очиш зарурати ота-оналаримиз эҳтиёжидан келиб чиқди, — дея фикр билдиради бу ҳақда мудира Гулчехра Ўташева. — Боланинг бошланғич таълимга жалб қилиниш жараёни қийин кечади. У ҳар бир фаннинг бошланғич асосларини эгаллашда толиқиб қолиши, уйқуси келиши, овқатлангиси келади. Бундай кезде унга худди богчадаги сингари шартшароит зарур. Шунинг билан олган ҳолда, бошланғич синфлар ташкил этидик. Уларга 4 нафар ўқитувчи бириктирилган бўлиб, барча фанлар намунали ташкил этилмоқда.

**Хулқар ТҶИМАНОВА,**  
«Ma'rifat» муҳбири

**"Temur Ko'ragon. Agarchi nazm aytmoqqa iltifot qilmaydurlar, ammo nazm va nasrni andoq xub mahal va mavqe'da o'quburlarkim, aningdek bir bayt o'qug'oni ming yaxshi bayt aytqoncha bor".**

**Ma'rifat**  
2010-yil 7-aprel

**Temuriylar davrida keng avj olgan va keyinchalik unutilayozgan bunday o'yin-mashq deb ataluvchi sport turlari yoshlarning sihat-salomatligini mustaxkamlashdan tashqari, ularga zavq bag'ishlashi shubhasizdir.**

**9-aprel — Amir Temur tavallud topgan kun**



**Хосга мақбул, омма тушунгудек сўз соҳибни**

Алишер Навоий "Маҷолис ун-нафоис" асарида шундай ёзади: "Темур Кўрагон. Агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, ammo назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мақеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқогони минг яхши байт айтқонча бор". Яъни Соҳибқирон ўзи шеър ёзмаган бўлса-да, лекин шеърӣ ва насрий асарларни шунча кўп ёд олган ва уларни ўз ўрнида шундай яхши ўқир эканки, билма ҳамма қойил қолар экан. Бундай қобилият эса, фақат бунга-дон, саводхон нотикдагина бўлади.

Нотик учун вазмиллик ва тингловчиларга этиб борадиган овоз жуда муҳим. Амир Темур бобомизда нотик учун зарур бўлган барча сифатлар жамулжам бўлган. Ул зотнинг нотиклигини исботловчи мисоллар Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асарида кўплаб учрайди. Соҳибқиронни ўзи ҳақида ёзилган асарлар қониқтирмаган. Шу боис Шомийга бошқа китоб ёзишни буюради. Амир Темур бундай масъулиятли ишни ишонч билдириб, Шомийга топшириши мавлоно Низомиддин ўз даврининг билимдон адибларидан бўлганлигини далиллади. Ўз навбатида, Соҳибқироннинг шундай зукко олимга, ёзувчи, тарихчига берган йўл-йўриқлари Амир Темурнинг ҳам ўта билимдонлигидан дарак беради. Агар Амир Темур гапга уста бўлмаганида, нотиклик санъатини оғалламаганида қандай қилиб халқни ўз ортидан эргаштирар, улкан давлатни бошқарар эди!

ёйишдир. Хозирда биз ўтмиш подшоҳлардан қолган асарларни назора қилаёلمиз. Бироқ, албаттин, биздан ҳам бирор ёдгорлик қолиши лозимки, замон ўтиши билан бизнинг номимиз ўша ёдгорликда сақланиб қолсин ва унинг ажру савоби беандоза бўлсин". Соҳибқирон мустақил даъваткор куч бугун мустақил юртимизда амал топмоқда. Ўзбекистоннинг барча шаҳарларида, айниқса, Тошкентда қурилган иншоотлар, Юртбошимиз сайёҳаракатлари билан бўлаётган барча ободончилик ишлари бунга ёрқин мисолдир.

Соҳибқирон бобомиз зехни ўткир, заковати тенгсиз бўлгани тарихий манбаларда битилгани ҳақида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг "Амир Темур сиймоси" (2007) китобида муҳим маълумотлар учрайди. Амир Темур саройида қотиб бўлиб ишлаган ва унинг ҳаёти йўлини яхши ўрганган тарихчи Хофиз Абрў "Зубдат ут-таворих" асарида қуйидагиларни ёзади: "Амир Соҳибқирон мактабда ўз тенқурларидан сабоққа ўзиб кетарди. Балогат ёшига етгунча илим, адаб, хат ва суҳанворлик касб этди. Ундаги теран билим шижоатга пайванд бўлди ва шундан сўнг амирлик мансабини эгаллади".

Ибн Арабшоҳ "Амир Темур тарихида тақдир ажойиботлари" китобида Соҳибқиронни шундай тасвирлаган: "Темур баланд бўлиб, қадимий пахлавлонлардек уйкан қоматли, елкалари кенг, боши шерникдек қатта, бармоқлари йўғон, оқу қизил тиниқ юзли, йўғон овозли, икки қўзи бамисоли икки ёниқ шамдай оловли, бадани пишк, худди тўқмасил қаттик, ўлимдан қўрмайдиган изтиробсиз вазим одам эди".

Бу мавзуга янада чуқурроқ ёндашиш орқали Амир Темурнинг нотиклик борасидаги ўзига хос услубини теран ёритиш галдаги вазибалардандир. Соҳибқирон нотикликка шунчалар масъулият билан ёндашган экан, биз барқамол авлодни тарбиялаш борасида ундан ибрат олишимиз керак.

**Норқул БЕКМИРЗАЕВ,**  
ЎЗМУ доценти

**Ўтмиш ва бугунни боғлаган сиймо**

Соҳибқирон салтанатининг барча худудларида бирдай амал қилинган "Куч-адолатдадир" шiori бугун биз ворислар учун ҳам устувор ахлоқий-маънавий мезондир.

Республикаимиз Конституцияси, юзлаб қонун ва кодекслар, давлатимиз қўшилган халқаро шартномалар, йеза минг йиллик урф-одатларимиз ва маънавий қадриятларимиз халқимизнинг манфаатини таъминлашга, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга хизмат қилмоқда. Амир Темурнинг Оқсарой пештоқиға нақш эттирилган улугвор ҳикмати унинг бошқа жаҳонгирлардан фарқли ўларок, умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлганидан дарак беради. Бу унинг юртимиз номи жаҳонда катта нуфуз билан тилга олинишини, шаҳарларимизнинг гўзал ва обод бўлишини, ҳар томонлама тараққий топишини орау қилгани, бу йўлда салмоқли натижаларга эришгани, мамлакат қудратини юксакликка кўтарганидан хақли равишда фахрлана билганининг тасдиғидир. Бугун ҳам юртимизда шаҳар ва қишлоқларимизнинг чирой очиб бораётгани замрида халқимизда бобоклонимиздан мерос бунёдкорлик руҳи мужассамлигини англаш қийин эмас.

"Дунё савдо аҳли билан обод бўлажак!" Бу ҳикматдан аёнки, Амир Темур таққи сийбатига халқаро савдо-иқтисодий муносабатларни кенг йўлга қўйишдан келган фойдадан, аввало, ўз халқини баҳраманд этиш бош ғоя бўлган. Шавқатли бобоклонимиз олти аср илгари бошлаб берган йўлдан эндиликда мустақил Ўзбекистонимиз дадил одимлаб бораёпти. Утган йили мамлакатимиз дунёнинг қарий 150 давлати билан самарали савдо-сотиқ ҳамкорлигини амалга оширган, юртимизда 117 мамлакатдан неча юз минглаб сайёҳ ташриф буюргани буни яққол исботлаб турибди.

Мамлакатимиз истиклолга эришган ҳақиқат юзага чиқди. Амир Темур шахси яна миллат тисмолига айланди. Тошкент, Шаҳрисабз, Самарқанд шаҳарларимизда бобомиз ҳайкаллари қад ростлади. "Амир Темур ордени" тасвис этилиб, юртимизнинг ёрқин истиқболини яратишга ҳисса қўшувчи шахсларга бериладиган юксак давлат мукофотиға айланди.

Поитхатимизда Амир Темур хиёбониға туташ жойда Соҳибқирон бобомиз ва унинг шавқатли авлодлариға бағишлаб бунёд этилган муҳташам қoшoна-Темуррийлар тарихи давлат ўғли юртимизнинг турли худудларидан ва дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келадиган зиёратчилар билан доимо гавжум.

Ха, Амир Темур сиймоси ёш авлодни бирлаштириш, жиқслаштиришда ҳамда уларнинг қучли, билимли, адолатли бўлишида энг яхши намуна бўла олади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг қучқудратини, адолатпарварлигини, чеқисиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак". Бугун юртимизда ва хорижда Темур ва темурийлар даври ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда. Дунёнинг элликдан ошиқ мамлакатида темуршунос олимлар фаолият қўрсатмоқда. Утган оғли юз йил мубайнида Соҳибқиронга бағишлаб яратилган асарлар сони Европа тилларида 500 дан зиёд бўлса, шарқ тилларида қарий мингтаға етади. Бошқача айтганда, Амир Темурнинг башарият олдидаги ўлмас хизматларини маънавли жаҳон муносиб баҳолаб келмоқда.

**Низомжон ИСЛОМОВ,**  
ЎЗМУ журналистика факультети талабаси

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида буюк бобоклонимиз Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 674 йиллиги нишонланмоқда.

Замондошларининг таърифича, Амир Темур узун бўйли, овози жарангдор, қарашлари ўткир, елкалари кенг, соқоли, доворак киши бўлиб, ёлгон-яшиқларни, қотилликни, талон-торождарни, зўравонликни ёқтирмайдиган, ҳақиқат қанчалик аччиқ ва қаттиқ бўлмасин уни эшита оладиган, жасур ва мард кишиларни ёқтирадиган шахс бўлган. Унинг ёшлиги ўттириқли йилларга, яъни мўғуллар томонидан вайрон этилган шаҳар ва қишлоқларни тиклаш ва мўғуллар асоратидан қутулиш чора-тадбирлари ҳақида ўйлаш даврларига тўғри келди.

Темурбек ёшлиғиданоқ турли жисмоний машқлар асосида ўзини чиниқтириш билан бирга, ўз замонасидаги ботирлик, қаҳрамонлик руҳида ёзилган адабиётлардан сабоқ олиб, ҳарбий санъат асосларини ўрганиши асосий мақсадларидан бири деб билган. Ибн Арабшоҳ таърифлаганидек, ундаги маънавий ва жисмоний қуч, мардлик, жасурлик, феъл-атворининг тенгсизлиги, тadbиркорлиги, чуқур мулоҳазалилиги келгусида ўз даврининг етук ташкилотчи ва саркардаси бўлиб дунёга танилишида катта роль ўйнаган.

**Соҳибқироннинг ҳаётий принциплари**

Амир Темур тоғу тошларни, жазирама қўлларни, иссиқ-совуқни писанд қилмай жанг олиб боришга қодир, стратегик, тактик ва тезкорлик санъатини пухта эгаллаган, интизомли, доворак армияни яратишда спорт масаласи муҳим ўрин эгаллашини яхши тушунган ҳукмдор эди.

У жисмоний маданиятнинг барча тури машқ майдони, ҳарбий санъат мактаби каби мақомларга эга эканини яхши тушунган. Ҳақиқатан ҳам Амир Темур ва темурийлар даврида спортнинг ов қилиш, от пойғаси, камонбозлик, чавқон (от устида хоккей), найзабозлик, кураш, қўл жанги санъати, шатранж каби ўйинлар кенг авж олган эди.

Амир Темур давридаги машғулотлардан ов ўзига хос спорт машғулоти вазифасини ҳам бажарган. Бу машғулот жуда қадимий бўлиб, ибтидоий тузум даврлариданоқ турмуш эhtiётлари қондириш сифатида майдонга келган. Кейинчалик у кўнгли очиш мақсадларида ҳам уюштирилмаган бўлди. Амир Темур даврида ов ҳар икки муносабат билан ҳам ташкиллаштирилган.

XV—XVI аср кўлбёмалари саҳифалари ишланган миниатюра асарларига назар ташласак, ов жараянлари тасвирларини кўриш мумкин. Масалан, Абдурахмон Жомийнинг XV асрда ёзилган «Оттин занжир» деб номланган асарида "Шоҳ ови" деб номланган қисми жуда жонли тасвирланган. Унда очилардан ҳалқа бўлиб тизилган ҳолатда турли-туман ҳайволларни овлаш жараянлари, тоғли ердаги табиат манзаралари қучоғида эркин юрган жанозотларнинг овчилар ҳаракатидан ваҳимга тушаётганликлари ҳаққоний тасвирланган.

Бу даврда авж олган спорт турларидан бири чавгон ўйинларидир. Бу каби спорт билан шуғулланиш учун махсус майдонлар (ўйингоҳлар) бўлган. Ана шундай ўйингоҳлардан бири Самарқанддаги Афросиёб харобалари ёнбағирларида жойлашган Боғи Майдон хиёбони эди. Бу майдоннинг бир чеккасида Улғубек даврида "Чилустун", «Чиннихона» номли саройлар қад кўтарган.

Темурийлар тарихи давлат музейи экспозициясидан чавгон ўйинининг асосий элементларидан чавгон тўп-соққа (тўй) жой олган. Ушбу ноёб топилма археологик қазималар даврида Саманданд шариғиди Регистон майдонининг XV асрга оид маданий қатламларидан топилган. Бу тўп оқиш рангдаги мармardan нихоятда думалоқ қилиб ишланган бўлиб, оғирлиги роппа-роса бир килограмм, диаметри 9 сантиметрдир.



Миниатюра асарларига назар ташлайдиган бўлсак, чавгон ўйини мусобақаларида қатнашаётган икки гуруҳ отлик ўйинчиларнинг ҳозирги муз устида хоккейчилар каби ҳаракат қилаётганликларини кўриш мумкин. Бундан ташқари, «Камон отиш» ўйинлари бўлган. Ушбу ўйин ҳақида маълумот берган миниатюра асарларидида махсус майдонда қатнашаётган гуруҳлар (рақиблар) навбати билан баланд қилиб тикланган ёғоч (ходда) тепасига маҳкамланган юмшоқроқ буюмни нишонга олишлари, навбати билан ўқ узаётган камончиларнинг ҳаракатини ва уларнинг буюмини қай даражада нишонга олаётганини махсус тайёрланган ҳақамлар назорат қилиб турганликлари, шунингдек, ўйинчиларни камон ўқлари билан вақтида таъминловчи ёрдамчилар ва атрофдан ўраб турган тамошабинлар тасвирланган.

Темурийлар даврида кенг авж олган ва кейинчалик унутилаёзган бундай ўйин-машқ деб аталувчи спорт турлари ёшларнинг сийҳат-саломатлигини мухтакклашдан ташқари, уларга завқ бағишлаш шубҳасиздир. Кенг авж олган бу каби ўйинлар гарчи бир қарашда ўйин деб ҳисобланса-да, замирида ўзгача мақсадлар ётади, яъни уларга ҳарбий машқларнинг бир тури сифатида қаралган.

Маълумки, Амир Темур ёшлиғиданоқ кураш, подшо-подшо, пойға ўйинлариға, кейинчалик овчилик, чавандозлик, камондан ўқ отиш, қиличбозлик каби ҳарбий санъатта даҳлдор бўлган таълимларни олишга алоҳида эътибор берган. Ҳеч шубҳа йўқки, Темур ёшлиғидан соғлом, қийинчиликларга бардошли бўлиб ўсган ва ўз замондошларини, айниқса, тенқурларини ўзининг жисмонан бақувватлиги билан лол қолдирган. Тарихий маълумотларға қараганда, у туғилган жой Хўжа Илғор қишлоғидаги Хўжа Илғор ота қабристониха хозирда бирга суға устида «полвонтош» номи билан аталувчи бир тош сақланмаётган бўлиб, у бироз чўзиқроқ тўртбurchак шаклда, оғирлиги 6 пуд (96 кг.) бўлиб, Соҳибқирон ёшлиғидаги шу тошни кўтариб машқ қилар экан. Қишлоқ аҳлининг айтишича, бундай оғир тошни фақат қўнгли покларгина кўтара олар эмаш.

Амир Темур фаолиятидаги ўйинлардан яна бир тури бу унинг шодлиғида ҳам, ранжиган пайтларида ҳам, бирор ишға қўл уришдан аввал фикрини пешлаб олиш мақсадидаги овунчоғи шатранж (шод-ранж) ўйини бўлган. Шатранж атамаси арабча сўз бўлиб, спорт тилида шахмат (шоҳ таслим бўлди) деб аталган.

Араб халифалиги даврида шатранж бўйича мусобақалар ўтказилиб турилган. Тарихий манбаларнинг шохидлигича, биринчи бор 819 йили Хуросонда шатранж ўйини бўйича мусобақа ўтказилган.

Ўзбекистон худудидаги кўплаб археологик қазималарда ҳам шохмат доналари топилган. Масалан, Сурхондарё вилоятидаги Далварзинтепа ёдгорлиги қатламларидан 2 минг йил муқаддам фил суяғидан ишланган чўкқалаб турган фил тасвирланган шохмат донаси топилган. Самарқанддаги Афросиёб ёдгорлиғидан эса VIII асрга оид 8та шохмат донаси топилган. Улар фил суяғидан ўйиб ишланган бўлиб, баландлиги 2,5—4 см.лар атрофида бўлган. Бу хайкалчасимон жажжи доналарда отлик чавандозлар, фил минган аскар, тиззалаб турган пиёда аскарлар акс эттирилган. Сурхондарё вилояти Кумқўрган туманидан эса XI—XIII асрларга оид лойдан пишириб сирланган 32та шохмат доналари топилган. Уларнинг ташқи кўриниши жуда содда кўринишда бўлиб, доналари хозирги шохмат доналарига ўхшаб кетади.

Шоҳматнинг қадимийлиги шубҳасиздир ва у ўтмишдан тақомиллашиб келган жанг тартиблари ва уларда қўлланилган қуроллардан самарали фойдаланиш мақсадида жангчиларни тартиби билан жойлаштириш натижасида жанговар сафларни тизими пайдо бўлганлиги билан боғлиқдир. Урта Осиёда қўшинлар жанговар тартибининг энг яхши намуналарини Амир Темур армиясида кўриш мумкин эди. Шунга қўра, Амир Темур тенгсиз ижодкор тариқасида ўйин усулларини, жулмадан, катта шатранжнинг ихтиро этган экан. Ибн Арабшоҳ «Амир Темур тарихи» китобида шатранж ҳақида қизиқ маълумотларни келтирган. Кўриниб турибдики, Амир Темур шохмат ўйиниға алоҳида эътибор берган.

Ёзма манбаларда келтирилишича, Амир Темур ўзининг кенжа ўғли Шохруҳни ва қурдирган қалъа шаҳарини Шохруҳия деб аташининг сабаби ҳам айнан шатранж билан боғлиқ. У Сирдарё қирғоғиға яқин жойда шаҳар қуришни амр этиб, ўз одағига қўра яқин одамларидан бири билан шатранж ўйнаётган эди. Соҳибқирон ўз рақибни «шоҳиға қарши» «руҳ»ни ташлаган вақтда рақибни бу ҳужумдан эсанқираб қолади. Худди шу лаҳзада икки чопар келиб,

уларнинг бири Амир Темурга ўғил қўрғанилиги, иккинчи чопар эса шаҳар қурилиб битказилгани ҳақидаги хабарни келтиришади. Шунда Амир Темур чақалоқ исмини Шохруҳ деб атаб, шаҳарға Шохруҳия деб ном берган экан.

Ёдгорликнинг мудофаа деворига бириктирилиб ишланган бурждардан (минора) бирининг ичидан бир томони йўнилган галтаксимон, аниқроғи, тескари «Т» ҳарфи кўринишида бўлган 12 дoна сопол буюмлар топилган. Биринчи бор назар ташланганда, бир хил кўринишда бўлса-да, уларнинг бир-биридан фарқи яққол кўзға ташланади. Бир-биридан ҳажмлари жиҳатидан фарқ қилмаган бу доналар фикримизча, шохматдаги пиёдалар вазифасини бажарган.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, бундай доналар ҳарбийларнинг дам олиш вақтларида қўнгли очиш учун шохмат доналари вазифасини ўтаган бўлса, улардан ҳарбий таълим бериш мақсадида ўқув қўлланмаси сифатида ҳам фойдаланилгани эҳтиомдан қўли эмас.

Амир Темур фаолиятиға назар ташлар эканмиз, кўз ўнгимизда ўта мураккаб ҳислат ва фазилятларға бой бир афсонавий шахс гавдаланади. Ундаги узокни кўра бишлилик, чидамиллик, ишбилармонлик, халқига, ватаниға индоилик кишини ҳайратта қолади.

Умри давомида тиниб-тинчимеган инсоннинг гайрати ўлчамини аниқлаш қийин. У ҳамма ишларда эҳтиёткорликка алоҳида аҳамият берган. У Ватаннинг асл ўғлини, халқ фидойиси сифатида хизмат қилди, давлат чегараларини мухтакклади, қарвон йўлларини тиклаб, савдонни ривожлантирди, қўшни давлатлар билан дипломатик алоқалар олиб бориб, дўстлар сонини оширди. Айниқса, унинг давлат худудларидиға жамоат бинолари, мадраса, саройлар, йўллар қурилишиға алоҳида эътибор бергани, табиат содлиғи ва тўкин-сочинлик манбаи ҳисобланмиш боғ-роғларни барпо этиши барча халқлар тилларида дoston бўлди. Унинг олий мақсадлар йўлидаги сайёҳаракатлари, гайрат ва шижоати маънавият, маданият ривожига салмоқли ҳисса қўшган ҳолда авлодларға бебаҳо мерос қолдирди.

**Ўткир АЛИМОВ,**  
Темурийлар тарихи давлат музейининг етакчи илмий ходими

# БОЛА НУТҚИНИ ЎСТИРИШДА НИМА МУҲИМ?

Tajriba

Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш узлуксизлик ва кетма-кетликни талаб этадиган жараён. Бунда болада товуш талаффузи малакасини ҳосил қилиш, мустақамлаш, фаоллаштириш, уларнинг луғат бойлигини ошириш, нутқининг грамматик соҳага оид категорияларни тўғри ишлатишга ўргатиш каби муҳим жиҳатлар мавжуд.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 554-сонли «Пахтаой» мактабгача таълим муассасасида ҳозирги кунда 240 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Муассасамизда тарбиячиларимиз томонидан ҳар бир боланинг физиологик, интеллектуал ва руҳий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш олиб боришига муҳим аҳамият берилади. Бола теварак-атрофни билиш, ўзлаштиришда кўпроқ кўргазмалиликни талаб этади. Шу боис тарбиячининг машғулотлар жараёнида турли буюмлардан, суратлар ва ўйинчоқлардан ўринли фойдаланиши бола нутқининг максимал ривожланишига хизмат қилади.

Масалан, муассасанинг таж-



рибали тарбиячиси Нодира Ибрагимова ҳар бир машғулотида алоҳида тайёргарлик кўради. Жумладан, катта гуруҳ тарбияланувчилари билан «Зинамазина», «Еттига етти», «Мўжизалар майдончаси» каби ноанъанавий ўйинлар ҳамда «Бизнинг ҳовлимиз», «Очил дастурхон», «Сеҳрли соябон» каби мавзулардаги машғулотлари болаларнинг дунёқараши ва нутқини

ўстиришга хизмат қилиши билан ота-оналар эътирофига сазовор бўлган.

Болалар қизиқишини сўндирмаслик ёки уларни фаоллаштиришда ҳам кўргазмали қуроллардан ўринли фойдаланиш ҳаракатимиз мезонидир.

**М.ХҲҲАЕВА,**  
Тошкент шаҳридаги  
554-сонли МТМ мудираси

Туризм ўзга халқлар ва элатлар, уларнинг маданий ёдгорликлари билан танишиш имкониятини яратди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, мазкур соҳа тарихи, унинг асосий йўналишлари, турлари, шунингдек, туристик хизматлар ҳар қандай мамлакат тараққиётида ўзига хос ўринга эга.

Республикамизда халқаро туризмни ривожлантириш учун мавжуд имкониятлар кўлами жуда кенг. Унинг илдизлари давлатимиз худудидан «Буюк ипак йўли» ўтган олис тарихий даврларга бориб тақалади. Қолаверса, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз сингари шаҳарларимиз, Чимён, Чор-

## Мактабдан ташқари та'лим

ўлкашунослик йўналишига ихтисослашган мактабдан ташқари таълим муассасаларида худди шундай ишлар олиб борилмоқда. Тўғарақлар мақсади Ўзбекистон Республикасида болалар туризмни ривожлантириш, унинг таълим-тар-

этилиб, уни йўлга қўйиш ва бошқариш бўйича ўқув дастури ишлаб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, «Туризм менежменти» тўғараги ўқув дастурини республикамизнинг вилоят ва туманларида мактабдан ташқари таълим тури сифатида қўллаш ҳам яхши натижалар бериши мумкин. Чунки баркамол авлод тарбиясида мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ҳам ўрни беқиёс. Бу тўғарақда ўқувчилар кенг доирада туризм соҳасини ривожлантириш воситалари, услуби ва шаклларида унумли фойдаланиш ҳамда самарали натижаларга эришиш, соҳа доирасида олиб борилаётган давлат сиёсати билан таниши туристик корхона ва фирмалар фаолияти, мижозларнинг талаб ва истакларига биноан ихтисослашган туристик маҳсулотлар ишлаб чиқариш сирларини ўрганиш имкониятига эга бўлади.

Ўқувчиларнинг туризм менежментини чуқур ўрганиш ва ўзлаштириши учун илғор ва замонавий ўқитиш усуллари билан фойдаланиш, янги информацияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

**Омилхон ИСМОИЛОВ,**  
иқтисод фанлари  
номзоди, доцент

# ЁШ САЁҲАТЧИЛАРГА ИМКОНИЯТЛАР

Ўзбекистон Республикасида ҳам туризмнинг миллий моделини шакллантириш жараёни кечмоқда. Мамлакатда ривожлантирилаётган туристик бозор бошқа ҳар қандай бозорлар каби мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятига таъсир кўрсатади, давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда инвестиция ва капитал оқимининг ошишида муҳим восита ҳисобланади.

Маълумки, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда сайёҳларга, асосан хусусий ва тижорат компаниялари туристик хизмат кўрсатади. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам етакчи ташаббускор давлат бўлгандагина туризм ривожланиши учун оптимал ва ҳуқуқий замин вужудга келади.

тоқ, Шоҳимардон, Зомин, Бойсун, Шеробод каби минтақаларимиз дунёга машҳур. Бу эса ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун етарли асос борлигини яна бир бор исботлайди.

Ёш авлодга Ватанимизнинг қадимий тарихи, халқимизнинг бой маданий меросини ўргатиш орқали уларнинг маънавий-ахлоқий камолотига эришиш, сайёҳлик ва ўлкашунослик фаолиятини йўлга қўйиш, янада ривожлантириш бевосита соҳа мутахассисларига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази тасарруфида фаолият юритаётган тўғарақларда, шунингдек, барча вилоятлардаги сайёҳлик ва

бияда тутган ўрни ва аҳамиятини ошириш, ўқувчи-ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, сайёҳлик ва ўлкашунослик йўналишида қўшимча таълим олаётган тўғарақ аъзоларининг билим ва малакасини синондан ўтказиш, ижодий изланишларини жонлантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қарайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқоди ва қарашларига эга бўлган авлодни тарбиялаш, иқтидорли ўқувчиларни кашф қилиш ва рағбатлантиришдан иборат.

Жаҳонда юз бераётган ўзгаришлар, шиддатли тараққиётни эътиборга олган ҳолда республика Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази қошида янги «Туризм менежменти» тўғараги ташкил

## Mulohaza

— Севара, мана буни қўшнимизникига олиб чиқиб бер, — дея синглимга сўз қотдим.

— Опа, кино зўр жойига келди. Ҳозир, шуни кўриб олай, — унинг жавоби шундай бўлди. Унга гапиришдан фойда йўқлигини билгач, ўзим боришга мажбур бўлдим.

Сериаллар бир-бирига улашиб кетишини яхши биласиз. Қуёш ботишга улгурмасдан улар бирин-кетин намоиш этила бошлайди. Ундай эмас, дейсизми? Ҳа, унутайибман, кечаги қисмини такроран бериш ёки «томошабинлар илтимосига биноан» қайта қўйилиши эвазига кунлик барча дастурлар сериалларга роса «бойиган»-ку? Бизда сериаллар сероб: туркча, мексикача, корейсча ёки хитойча... Улар орасидан ўзингизга кераклигини танлашингиз ёки яхшиси, бизга ўхшаб, бираваракайига ҳаммасидан «бахраманд» бўлишингиз мумкин.

Мақолани бежиз сериал ҳақидаги фикрлардан бошламадик. Сабаби, бугун болалар телевизор кўриш ёки виртуал олам билан мулоқот қилишда катталарни ҳам ортда қолдиришмоқда. Мисолни узоқдан изламайлик. Болангиз ёки ука-сингил-

# ТЕЛЕЭКРАН "ШАЙДО"ЛАРИ

ларингизнинг бир-икки кунини кузатиб кўринг. Улар қанча вақтини дарс тайёрлашга, қанчасини телевизор кўришга сарфлашар экан?

Юқорида келтирилган ҳолатни олайлик. 5-синфда ўқийдиган синглимни обдон кузатиб шунга амин бўлдимки, у то биз тергамагунимизча дарс тайёрлашни хаёлига ҳам келтирмас экан...

Нега болалар дарс қилишни ишташмайди? Нега улар телеэкран ёки компьютер қаршисидан кетолмайдилар? Ахир, ҳозир барча билимларга пойдевор қўйишнинг айна вақти эмасми? Бу борада тинимсиз кўрсатилаётган сериаллар сабабчиси ёки дарсга қизиқтиролмаган ўқитувчиларми? Балки, бунга ота-оналар айбдордир?

Менимча, энг катта хато катталарда. Негаки, болани мактабга бериб қўядилар-у, қолгани билан ишлари йўқ. Болаларни мактабга жўнатиш ёки эҳтиёжларини қондириш билангина уларнинг билими, тарбияси яхшиланиб қолмаслигини билиб турса-да, негадир жиддий қарамаймиз.

Шундай ота-оналарни биламан. Боласи билан қўшилиб ўзи ҳам дарс қилади. Ўқитувчисини эса бир зум тинч қўймайди. Боласининг хулқи, ўқишдан доим хабар олиб туради. Менимча, бунинг учун кетадиган вақт икки соатга ҳам бормаса керак.

Энг асосийси, бола китоб билан дўст тулиши лозим. Чунки китоб унинг шахс сифатида шаклланишига кўмаклашади. Бунинг учун эса, аввало, ўзимиз китоб ўқишимиз керак. Бундай деяётганимнинг сабаби, синглимга ҳам «Ўзбек халқ эртаклари» китобини олиб бердим ва бир ҳафтача ўз ҳолига ташлаб қўйдим. У бўлса бир неча саҳифани варақлаш-у, кичикроқ эртакни ўқишдан нарига ўтмади. Кейин мен унга бир неча эртакни ўқиб, шу вақтнинг ўзида фикр билдириб, тушунтириб кўрдим. Шундан кейин синглим эртакларга, эртак қаҳрамонларининг кейинги тақдирларига қизиқа бошлади. Тўғри, уни буткул телевизордан ажратиб олишга муваффақ бўлолмадим. Аммо китобга меҳр уйғота олганимдан кўнглим анча таскин топди.

Сиз-чи? Болангизга китоб ўқиб берасизми? Уйингиздаги телевизор пульти ўз кўлингизда экан, бунинг уйдасидан чиқа оласиз.

**Соҳиба МУЛЛАЕВА,**  
«Ma'rifat» мухбири



Уқитувчилик касби синф тахтасига ҳарф ёзиш ёки ўқувчиларга одоб-ахлоқдан сабоқ бериш жараёни билан чекланиб қолмайди. Сир эмаски, устоз-муаллимларнинг иш фаолияти ҳам қутилмаган ва зиддиятли ҳолатлар, жиддий ечим талаб қиладиган муаммолардан холи эмас. Бундай пайтда педагогнинг вазиятни тўғри баҳолаб, адолатли қарор қабул қила олиш қобилияти ёрдамга келади.

Синф раҳбарининг елкасидаги масъулият фан ўқитувчиси қараганда, икки баробар кўпроқ. Чунки синф раҳбари ота-оналар билан бевосита ҳамкорликда ишлаши, улар билан турли вазиятларда «тил топишиши» зарур. Инсонларнинг табиати турфа. Фарзандининг тарбияси, фанларни ўзлаштириши билан қизиқиб, кунда мактабга қатнайди-

этиборини қаратди Замира. — Синглим, Пўлат менинг ёлғиз ўғлим. Уни еру кўкка ишонмайман. Кейин у бошқа болалар билан мулоқот қилишга биров қийналади. Табиати нозикроқ... Агар мумкин бўлса, уйимизга бориб, дарсларни унинг ёлғиз ўзига ўтсангиз. Ҳамма шароит етарли... Замира вазиятдан чиқиб кетиш йўлини узоқ ўйлади.

Mulohaza

тўғри йўл танламаганини англаб етди. Уларнинг фарзанди бошқа тенгдошлари билан биргаликда ўқиш, уларнинг қувончларига шерик бўлиш, мактаб кўнғироғи жарангини дўстлари даврасида эшитиш бахтидан бебахра қолаётган эди.

— Бугундан бошлаб, Пўлатжон бир соат ҳам дарс қолдирмайди. У синфдошлари билан ўқишни хоҳлапти, — деди Пўлатнинг онаси ана шундай кунларнинг бирида. — Болалар, Пўлатни сафи-

СИНФДОШЛИК ТУЙҒУСИ

ган ота-оналар бўлгани ҳолда, ўғил-қизининг тақдирига беварқлик билан қарайдиганлари ҳам афсуски учраб туради. Баъзан уларнинг фикр-мулоҳазалари ва гоҳида пўписанамо гаплари билан ҳисоблашишга тўғри келади. Баъзан эса...

2-синф ўқувчиси Пўлат негадир дарсларга келмай қўйди. Синф раҳбари Замиранинг (исми ўзгартирилган) тинимсиз мурожаатлари, боланинг уйига кўнғироқлар ҳеч қандай натижа бермади. Кунлардан бир кун Замира дарс ўтаётган синфга Пўлатнинг отаси кириб келди.

— Синглим, ёнингизга бир илтимос билан келган эдим. — Бу ташриф вазиятга ойдинлик киритгандек бўлди. — Қулоғим сизда, — бор

Эртасига у ўқувчиларни Пўлатнинг уйига олиб борди. Эшикни Пўлатнинг онаси очиб, Замирани ичкарига тақлиф қилди. Лекин у ёлғиз келмаганини, ёнида ўқувчилар ҳам борлигини айтди. Чорасиз қолган аёл, меҳмонларни уйга олиб кирди.

— Опа, ўқувчиларимнинг ҳаммаси сизгадиган хонангиз борми? — сўради Замира.

У бир кунлик дарсни меҳмонхонада ўтди. Болаларнинг қалбида Пўлатга нисбатан пайдо бўлган меҳр ва миннатдорчилик уларнинг юзида ҳам ўз ифодасини топди. Ўз навбатида, синфдошларининг ташрифи Пўлат учун қутилмаган ва қувончли воқеа бўлди.

Ушбу «ноанъанавий дарс» яна бир неча бор такрорлангач, Пўлатнинг ота-онаси у қадар

мизга қўшамизми? — ўқувчилар билан маслаҳатлашган бўлди Замира.

— Қўшамиз, устоз, — баралла янграган ўқувчилар овози бутун синфхонани тўлдириб юборди.

Пўлатнинг онаси ўз ваъдасида турди. Энди у фарзандининг мактабдаги ютуқларидан тез-тез хабар олиб турадиган бўлди. Ўқитувчининг ўз вақтида қабул қилган тўғри қарори Пўлат сингари болаларнинг тақдирини ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Гулшайра ЮСУПОВА, Қорақалпоғистон Республикаси ПҚҚТМОИ «Мактабгача ва бошланғич таълим» кафедраси катта ўқитувчиси

ДАВОМ ЭТАЁТГАН САБОҚЛАР

Таниқли олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, фалсафа фанлари доктори, профессор Омонулла Файзуллаевнинг ҳаёт йўли ва илмий мероси ёш авлод учун ибрат мактабидир.

ЎзРФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамда Ўзбекистон Фалсафа жамияти йирик олим хотирасига бағишлаб «Фалсафа ва фанлар методологияси» мавзuida иккинчи илмий-назарий семинар ўтказди. Худди шу номдаги биринчи илмий-назарий ўқишлар ўтган йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган эди.

Анжуманда профессор олимлар, институт ходимлари ва домланинг яқин қариндошлари иштирок этдилар.

Қадимдан Марказий Осиё худудида, жумладан, жонажон ватанимизда ҳам фанлар ва фалсафанинг ривожланиши, унинг ютуқлари жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган. Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби буюк аждодларимиз меросининг илмий-назарий, фалсафий таҳлили профессор Омонулла Файзуллаев илмий изланишларининг пойдеворини ташкил қилди. Олим ушбу сиймоларнинг илму фан, фалсафа борасидаги турли илмий ғояларини замонавий фан ва фалсафа нуқтаи назари асосида таҳлил қилиб берди. Ай-

тиш мумкинки, Омонулла Файзуллаев мутафаккирларимизнинг илмий, маданий-маънавий меросини тадқиқ қилувчи илмий-фалсафий мактаб яратди.

Тадбирда иштирок этганлар олимнинг бой илмий мероси, инсоний фазилатлари ҳақида гапириб ўтдилар. Домланинг шогирдлари файласуф, физик, математик, публицист, умуман, серкирра фаолият соҳиби бўлган устоз ҳақидаги хотираларидан сўзлаб, у киши фақат амалиётда эмас, ҳаётда ҳам яхши психолог, беғараз инсон бўлганини алоҳида эътироф этишди. «Ma'rifat» газетаси шахидларидан чоп этилган салмоқли мақолалари ҳам унинг қалами ўткир ижодкор бўлганига яна бир далилдир.

Семинарда «Профессор О.Файзуллаев ҳақида хотиралар», «Диалектика, онтология, гносеология ва фанлар методологияси», «Фалсафа тарихи», «Ижтимоий фалсафа» шўбаларида маърузалар тингланиб, фан ва фалсафанинг долзарб муаммолари муҳокама қилинди.

2010 йилги Омонулла Файзуллаев ўқишларининг материаллари икки китоб шаклида нашр этилди. Мазкур тўпламлар йирик олимнинг бой илмий мероси ёш олимлар, тадқиқотчилар, фалсафа фанига қизиқувчилар томонидан пухта ўзлаштирилиши учун имкон яратади.

Б.ФАЗЛИДИНОВ

Konferensiya

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташаббуси билан ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎзРФА ёш олимлар кенгаши, ЎзРФА бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси, республика «Оила» илмий-амалий маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институти, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси қошидаги «Олима» уюшмаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мажлислар залида «Баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, экологик, валеологик, акмеологик ва иқтисодий масалалари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция ташкил этилди.

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ муҳокама марказида

Анжумани ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, юридик фанлари доктори, профессор Р.Рўзиёев олиб борди. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, академик С.Фуломов иштирокчиларни, ёш олимларни, тадқиқотчиларни Наврўз айёми билан табриклаб, уларнинг илмий изланишлари муваффақият тилади.

Шундан сўнг «Энг ёш тадқиқотчи», «Энг ёш илмий раҳбар(маслаҳатчи)», «Энг диққатга сазовор маъруза», «Энг яхши инновацион ғоя», «Ёшларнинг долзарб муаммоларига бағишланган энг яхши мақола» каби номинацияларда ғолиб деб топилган илмий мақолалар муаллифларига фахрий ёрлик ва рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Анжуманининг ялпи мажлисида ёш тадқиқотчиларнинг баркамол авлод тарбияси, уларнинг камолотида оила ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг роли, ёш кадрларнинг салоҳиятини ошириш масалаларига бағишланган маърузалари тингланди.

— Биз кураётган эркин, демократик, адолатли жамиятни такомиллаштириш йўлидаги муҳим мақсадлардан бири ХХI авлоди — ёшларимизнинг кучли, билимли этиб камолга етказишдир, — дейди ЎзРФА фалсафа ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими фалсафа фанлари номзоди Г.Тиллаева. — Бугунги конференция эса ушбу йўналишдаги ишларнинг амалдаги тасдиғидир.

Дилшод КАРИМОВ, «Ma'rifat» мухбири

МЕҲР ҚЎШИБ ЧОЙ БЕРИШАР ЯПОНЛАР!

- Ҳалима!
— Лаббай, бувижон!
— Чой олиб кел, қизим.
— Хўп бўлади, бувижон.

Кўпчилик кинотомошабинларга ёд бўлиб кетган бу жумлалар «Суюнчи» фильмида уч-тўрт марта қайта-қайта такрорлангач, кенжа қизнинг жаҳли чиқиб кетади. Қошларига ўсма қўйиб турган бир вақтда уни безовта қилишгани учунми, ишқилиб: «Уф-ф, чой, чой, намуна кўп чой ичишмаса булар», — дея бир чойнак чойни дамлаб келади-да, зарда билан тўқ эткизиб меҳмон (совчи)ларнинг ёнига қўйиб кетади. Бу ҳам етмагандек, ўсмали қошларини чимириб «чой-хўр»лардан норози эканлигини билдирганча, ортга қайрилади.

Унинг катталарга қилган хурматсизлигини маъқулламасам-да, бошқа томондан қувонгандим. Тўғри-да, бунча кўп чой ичишмаса, ўзи, бу совчи деганлари!..

Шу фильми кўрганимдан сўнг дунёда энг кўп чой ичадиган халқ ўзбеклар бўлса керак, деб юрардим. Адашган эканман. Дунёда чойхўрлар кўп экан. Чой ичганда уни санъат даражасига етказадиганлар бор экан. Ҳа, бу борада японлар кўпгина халқларни ортда қолдиради десак, ишонаверинг.

Албатта, сиз японларнинг чой маросими ҳақида эшитгансиз. Лекин эшитиш, кўриш ўз йўлига-ю, айнан шу антиқа чойни ичиб кўриш бошқа экан!

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон-Япония марказида япон миллий чой маросими намойишида иштирок этар эканман, уларнинг санъатларига яна бир бора қўйил қолдим.

IX аср Нара даврида буддавий роҳиблар чойни Хитойдан Японияга олиб келишган. Лекин XII асрга келибгина Японияда чой-

хўрлик кенг тус олган. 1522—1592 йиллари яшаган роҳиб Сено Рикуй эса, оддий чой ичишни буддавийлик руҳи сингдирилган санъатга айлантирган. Чой ичиш санъати ўзида япон маданиятининг бошқа жиҳатлари: хат-тотлик, икебана, ёқимли бўй таратиш санъати, япон меъморлиги, япон боғ санъати ва ўзини тутиш одобини узвий равишда мужассамлаштирган.

Нагата Мамиконинг меҳмонларга хушмуомалалик билан чой узатишини кўриб, японча чой дамлашнинг устаси бўлиб кетган-ов, деб ўйладим. У япон тилида «Оя о номимаска», яъни «Чой ичасизми?», — деб сўрагани, «Ҳай, номимас» (Ҳа, ичман), — деб жавоб бердим. Япон

Kuzatuv

қизи Нагата Мамико хонимнинг қўлидан чойни оларканман, японча пиёла ичидаги чойга тикилиб қолдим. Очиғи, у бизнинг чойга сира ўхшамасди. Ён-атрофимдагиларга қарасам, биринкетин чойни ичиша бошладилар. Мен пиёла аста лабимга олиб бордим. Ҳиди ҳам бошқача: чойнинг таъми, хушбўй ҳиди ўзгача эди. Хўпладим. Оҳ, оҳ...

Нима десам экан, япон чойни аввал ҳам ичиб кўрган эдим-у, лекин бу даражада зўр дам-ланишини билмасдим. Уни таърифлайдиган бўлсам, ранги худди ўзбек қизлари қошларига қўядиган ўсманнинг рангига ўхшайди. Лекин мазаси жуда бошқача. Чойни ичиб бўлгач, «Аригато гоэяймас, тотемо ойиши дес» (Катта раҳмат, жуда хуштаъм экан), дедим.

— Янги йилнинг илк кунларида ўтказиладиган чой маросими «хацугама», деб аталади, — дей-

ди марказ ходимаси Зулайхо. — Японлар чой маросими пайтида қариндош-уруғлари, дўстларини Янги йил билан табриклаб, чой ичиб роҳат қилишади.

Ўша кун «Мизухики» санъати билан ҳам танишдим.

Бу — қадим япон санъати бўлиб, махсус ингичка тасмаларни турли усулларда тугиш орқали гаройиб шакллар ҳосил қилиши. Ушбу санъат жуда кенг қамровли. Мизухики санъати усулларидан аёллар қолчиқлари-ю, соч безаклар, табрик хатлар ясашгача фойдаланилади. Бу санъат Хитойдан кириб келган. Асука даврида(592—710), 607 йили япон элчиси Хитой императори қабулидан Совга билан қайтиб келади. Совга кутида эди. Кути махсус қизил ва оқ нафис тасма билан боғланган эди. Бу безак тасмалар «бехатар йўл» деган маънони англатиб, қайсидир маънода тумор сифатида қадрланарди. Айнан шу кути орқали Япония мизухики санъатининг тарихи бошланди. Мизухики япон қоғози «ваши»дан тайёрланади. Бу қоғознинг ўзига хос томони чидамлилигидир. Ваши дунёдаги энг пишиқ қоғоз ҳисобланади. Мизухики тасмалари аввал қўлда тайёрланган бўлса, ҳозирги кунга келиб улар техника ёрдамида ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги маданий-маърифий, дўстона алоқалар йил сайин ривожланиб бормоқда. Буни чой маросими мисолида кўрадиган бўлсак, икки халқ ҳам чойни жуда хуш кўради. Агар сиз япон чойини бир марта ичиб кўрсангиз, беихтиёр яна ичгингиз келади. Чунки улар чойни шунчаки эмас, балки меҳрларини қўшиб дамлайдилар.

Назира БОЙМУРОДОВА

Францияда замонавий таълим тизими сўнгги икки аср давомида шаклланган ва бугунга келиб бу борада сайёрамиздаги энг илғор мамлакатлардан бирига айланган. Мутахассислар мазкур давлатда таълим сифати пойтахт Парижда ҳам, марказдан узоқ худудларда ҳам деярли бир хил даражада эканини алоҳида таъкидлашади. Бундан ташқари, Европадаги бошқа мамлакатлардан фарқли ўларок, Францияда давлатга қарашли таълим даргоҳларининг хусусий таълим масканларидан нуфузи баландроқ. Яна бир эътиборли жиҳати, ўрта таълим барча фуқаролар, ҳатто чет элликлар учун бепул...

### ЎЗИГА ХОС ТАРТИБ

"Profile of France" китоби маълумотида кўра, таълим 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар учун мажбурийдир. Йиллар давомида шаклланган анъанага кўра, давлат хусусий таълим масканлари учун ҳам кўмак беради. Шу тариқа давлат бюджетининг 21 фоизи таълим учун сарфланади. Таълим тизими аҳолини иш билан таъминловчи муҳим йўналиш саналади. Давлат хизматчиларининг деярли ярми мазкур соҳада фаолият юритади. Айни пайтда Францияда ўқувчи ва талабалар сони 15 млн.дан ошади. Уларнинг 20 фоизи хусусий таълим даргоҳларида тахсил олади.

Француз таълим тизими ўзига хос миллий хусусиятларга эга. Бу ерда мактабгача, ўрта ва олий таълим тизимида бошқа давлатларда учрамайдиган тартиб-қоидалар амал қилади.

### "ОНАЛАР МАКТАБИ"

Францияда мактабгача таълим ихтиёрий. Шунга қарамай мактабгача таълим муассасаларига борадиган болалар кўрсаткичи ўта юқори. 2 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар боғчаларга қатнайдди. Боғчаларнинг асосий вазифаси нутқ ва дастлабки ёзиш кўникмаларини шакллантириш, атроф-муҳитни англаш, ҳис қилиш ва фикрлашга ўргатиш, бошланғич мактабга тайёрлашдан иборат. Мамлакатдаги биринчи мактабгача таълим муассасаси 1770 йилда очилган. 1830 йилдан давлат боғчаларни ўз васийлигига олган. "Оналар мактаби" (ecoles maternelles) деб аталган француз боғчаси қатъий интизоми ва тифиз ўқув дастури билан фарқланади. Ҳафтада беш кун, кунига олти соатдан ишлайдиган боғча давриданок болаларга бошланғич мактаб сабоқлари ўргатилади.

### КЎП БОСҚИЧЛИ ТАЪЛИМ

Болалар 6 ёшдан мактабга

қатнайдди. Мактаб таълими уч босқичга бўлинган: бошланғич (беш йил), коллеж (тўрт йил) ва лицей (икки-уч йил). Давлатга қарашли мактабларга болалар суҳбат ва тест асосида қабул қилинади. Уларда асосий харажатлар давлат томонидан қопланади. Хусусий мактабларда эса бир йиллик ўқиш ўртача 15,2 минг еврога тушади. Бундай маблағни барча оилалар ҳам тўлай олмайди, албатта.

Дастлабки икки босқич барча ўсмирлар учун мажбурийдир. Коллеж битирувчилари

лашган лицей битирувчилари махсус белгили ҳужжатлар оладилар ва шунга кўра олий ўқув юртини танлайдилар.

Сўнгги йилларда ўрта таълимда жиддий ислохотлар ўтказилди, ўқув дастурлари замон талабидан келиб чиқиб янгиланди. Аммо ҳалигача синфларда ўқувчилар сонининг кескин кўплиги, муайян фанлар бўйича ўқитувчилар етишмаслиги каби муаммолар ҳам мавжуд.

### ОЛИЙ МАКТАБМИ ЁКИ УНИВЕРСИТЕТ?

Олий таълим тўлалигича давлат ихтиёрида. Талабалардан йилига 600 доллар атрофида давлат божи олинади. Хорижлик талабалар имтиёз ва моддий ёрдам дастурларидан фойдаланишлари мумкин. Бошқа давлатлардан фарқли ўларок, Франция олий таълим тизими уч босқичга бўлинади, талаба ҳар бир босқич якунида имтиҳон топширади ва буни тасдиқловчи диплом олади.

Франция ташқи ишлар ва-



рқлар йўқ. Аммо асрлар давомида шаклланган анъаналарга кўра, олий мактаб ва университет тизими юзага келган.

Айни пайтда мамлакатда 80дан зиёд университет ва 300дан ортиқ олий мактаб

Франция университетларида тахсил олмоқчи бўлган хорижлик ёшлар француз тили бўйича DELF ва DALF имтиҳонларини топшириши керак. Уларга грант ва стипендиялар берувчи ташкилотлар ҳам кўп. Масалан, Франция ташқи ишлар вазирлигининг "Sorernic" дастури иқтисод ва муҳандислик йўналишида тахсил олмоқчи бўлган ўттиз ёшгача бўлган хорижликларга мўлжалланган. Ушбу грант соҳибларига ойига 760 евро стипендия ва бепул тураржой берилади. Ёки политолог, ҳуқуқшунослар учун "Eiffel" магистрлик гранти мавжуд.

Олий ўқув даргоҳларида таълим француз тилида олиб борилади. Ҳозирда айрим университет ва олий мактаблар инглиз тилида ҳам курслар ташкил қилмоқда. Масалан, Олий тижорат мактаби, Олий тижорат ва иқтисод мактаби, Париж тижорат мактаби каби таълим масканлари икки йиллик магистрлик курсларида ўқишни таклиф этмоқда.

Франция таълим вазирлиги маълумотида кўра, Францияда тахсил олаётган талабанинг ўртача йиллик харажатлари 6000 евродан 12500 еврогача. Талабалар тураржойдан ташқари мажбурий тиббий сургуртага эга бўлиши керак (йилига 350-750 евро). Озиқ-овқат, транспорт ва бошқа харажатлар учун эса ойига 350-460 евро сарфланади. Франция қонунчилигига кўра, талабалар ўқиш даврида ишлаши мумкин, фақат уларнинг иш вақти кунига уч-тўрт соат (йилига 884 соатдан) ошмаслиги керак.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Франция олий таълим тизими Европадаги бошқа давлатларда амал қилаётган тўрт йиллик бакалаврият ва икки йиллик магистратура тизимидан фарқ қилади. Айни пайтда мамлакатда анъанавий тартиб-қоидалар ўзгариши ва янги тизимга ўтиш кузатишмоқда. Бунга кўра, Франциядаги олий таълим масканлари бакалаврият (3 йил) — магистратура (2 йил) — докторантура (3 йил) тизимига босқичма-босқич ўтмоқда. Бундан кўзланган мақсад эса Европада амал қилаётган тартибларга яқинлашиш ва диплом таснифи билан боғлиқ тушунмовчиликларга барҳам беришдан иборат.

Собиржон ЁҚУБОВ  
тайёрлади.

# ФРАНЦИЯ ТАЪЛИМИ:

## АНЪАНАЛАР ВА ЗАМОНАВИЙЛИК УЙҒУНЛАШГАНДА

имтиҳон топширгандан кейин бирор ишнинг этагидан тутиши ёки тахсилни лицейларда давом эттириши мумкин. Коллеждан кейинги бўғин — лицейларда ўқиш қисқа (2 йил) ёки узоқ (3 йил) курсларда давом этади. Қисқа дастурни битирган ёшлар ўрта махсус таълим тўғрисида дипломга эга бўлади. Ушбу диплом билан саноат корхоналари, ишлаб чиқариш фирмаларида фаолият юритиш мумкин. Узоқ муддатли курсларда эса олий маълумот олишни истаган ёшлар ўқийди. Ушбу босқичда ўқувчиларнинг келгуси касб-коридан келиб чиқиб, асосан ихтисослашган фанлар ўқитилади. Таълимнинг ўрта ва олий бўғинини боғловчи босқич саналган лицейни муваффақиятли битирганларга шаҳодатнома (BAC) берилади. Францияда ўрта маълумот шаҳодатномаси йўналишларга кўра тақдим этилади. Масалан, адабиётга (L), табиий фанларга (S) ёки иқтисодиётга (ES) ихтисос-

зирлиги чоп этган "France" қомуси маълумотида кўра, биринчи босқич икки йил давом этади. Уни муваффақиятли битирганларга умумий (Deug) ёки техник (Deust) таълим тўғрисида диплом берилади. Кўплаб ёшлар мана шу босқичда таълимни тугатишади. Негаки, мазкур диплом билан бемалол ишлаш мумкин.

Иккинчи босқич икки-уч йиллик тахсилдан иборат. Мазкур босқич битирувчиларига магистрлик дипломи (maitrise) тақдим этилади.

Учинчи босқичда эса маълум фан йўналиши бўйича чуқур илмий тадқиқот ва излашлар олиб боришни мақсад қилган ёшлар ўқийди. Унинг якунида махсус олий таълим (Dess) ёки чуқурлаштирилган олий таълим (Dea) тўғрисида диплом берилади. Докторлик диссертацияси ёзмақчи бўлган тадқиқотчилар яна уч йил тахсил олиб, Doctorat дипломига эга бўлишлари мумкин.

Мамлакатдаги аксарият олий таълим даргоҳлари давлатга қарашли бўлиб, таълим вазирлиги томонидан бошқарилади. Ушбу давлатда тарихан икки хил олий таълим маскани: олий мактаб (grandes ecoles) ва университетлар (universites) шаклланган. Университетларда, одатда, ўқитувчи, шифокор, ҳуқуқшунос ва илмий соҳа вакиллари тайёрланади. Олий мактабларда эса иқтисод, бошқарув, ҳарбий ва маданий соҳа мутахассислари ўқитилади.

Айтиш керакки, айрим олий мактаблар университетларга нисбатан нуфузлироқ саналади. Олий мактаб талабаларига бўлгуси давлат хизматчиси сифатида эътибор қаратилади. Аслида, университет ва олий мактаблар ўртасида кескин фа-

фолият юритмоқда. Олий таълим масканларининг расмий рейтингини белгиланмайди. Аммо талабгорлар сони ва таълим даражасига кўра, масалан, Страсбург университетиде гуманитар фанлар, Монпелье университетиде табиий фанлар ва медицина, Париж тижорат олий мактабиде бизнес соҳаси бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланишини айтиш мумкин. Ёки давлат идораларида ишлашни мақсад қилган ёшлар Миллий бошқарув мактаби (Ecole Nationale d'administration)да тахсил олиши тавсия этилади. Ушбу олий таълим даргоҳларида рақобат шу қадар кучлики, талабгорлар лицейни битирганидан кейин ҳам яна бир-икки йиллик тайёрлов курсларида (classes preparatoires) ўқишига тўғри келади.

### ХОРИЖЛИК ЁШЛАР УЧУН ИМКОНИАТ

Франция чет эллик талабаларни жалб этиш бўйича дунёда энг олдинги ўринларда туради. Бунинг сабаби, биринчидан, хорижлик ёшлар ҳам таълим олишда французлар каби тенг имконият ва ҳуқуқларга эга. Иккинчидан, ушбу мамлакатда олий таълим олиш жуда арзон. Ҳаттоки Сорбонна каби бутун дунёга машҳур университетда ҳам йиллик таълим учун 100-800 АҚШ доллари тўлаш талаб этилади. Шунинг учун ҳам ушбу давлатга дунёнинг турли чеккаларидан ёшлар билим олиш учун келади. "Profile of France" маълумотида кўра, айни пайтда Францияда 190 минг хорижлик талаба тахсил олмоқда (бу чет эллик талабалар сони бўйича АҚШдан кейинги иккинчи кўрсаткичдир).






### «ШИФОБАХШ» ЧИВИНЛАР

Япон олимлари зарар келтирувчи чивинлардан инсон соғлигини муҳофаза этишда фойдаланишни ўз олдиларига мақсад қилиб, бу йўналишда қатор изланишлар ўтказишди. Тадқиқотчилар гуруҳи раҳбари Сигето Есиданинг маълум қилишича, бугунги кунга келиб ген инженерияси орқали янги чивин турлари яратилган. Бу ҳақида «Нью-сру» хабар берди.

Эътиборлиси, бу ҳашаротлар ишлаб чиқарадиган сўлак таркибида кум пашшалари орқали юқадиган денге касаллигига қарши оксилли вакцина бор. Тажриба пайтида улар сичқонларни чаққан. Яқунда олинган натижалардан кемирувчиларда касалликка қарши иммунитет ҳосил қилингани аниқланди.

Ҳозирда Самоцукэ шахридаги Зити тиббиёт университети мутахассислари безгак касаллигига қарши вакцинани ташувчи чивинлар турини яратишга бор эътиборни қаратмоқда. Олимлар 10 йил ичида уларни синовдан ўтказиш режаси тузилаётганини ҳам таъкидлашапти.



### КЕЛАЖАК АВТОБУСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Нидерландиядаги Дельфт техника университети талабалари томонидан «Супербас» автоулови ишлаб чиқилди. Уларнинг айтишича, бу автомобиль аънавий жамоат транспортига муносиб ўриндош бўлади. Улов футуристик дизайнда яратилган бўлиб, шаклан олди қисми бироз чўзилган олти гилдиракли машина кўринишида экани ҳақида sciencedaily.com хабар берди.

Модель углерод толасидан ишланган енгил ташқи қопламга эга. Шу билан бирга, ушбу ғайриоддий транспорт воситасида кириш ва чиқиш учун 16та алоҳида-алоҳида эшик бор. У умумий қуввати 800 от кучига тенг бир неча электр двигателлари ёрдамида ҳаракатланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, литий ионли аккумуляторларнинг бир марта қувват олиши 200 километр масофани босиб ўтиш учун етарлидир.

Янги автобуснинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, у одатий йўналишлар бўйлаб ҳаракатланмайди. Унга чиққан ҳар бир йўловчи бориши зарур бўлган манзилни айтади, «Супербас» эса энг қулай ва мақбул йўлни махсус компьютер дастури ёрдамида ўзи аниқлайди ҳамда шу йўналишда юради.



### КАМ ЎРГАНИЛГАН МАДАНИЯТГА ОИД

Мексикада бунгача кенг тадқиқ этилмаган маданиятга тегишли ҳайкалчалар топилди, деб ёзади «Арт Дэйли» нашри. Дафн маросимида ишлатиладиган олти антропоморф ҳайкалча ва иккита идишга мамлакатнинг Наярит штати ҳудудида дуч келинган. Топилмалар эрамыздан аввалги 400—200 йилларда яратилиб, улар Чинеска маданиятига оид, деб тахмин қилинмоқда. Археологларнинг фикрича, қадимий буюмларнинг ярим ой шаклида териб чиқилгани яқин атрофда қабристон борлигидан далолатдир.

— Чинеска ўтмишда қишлоқ хўжалиги ва хунармандчиликка асосланган, юқори даражада шакланган маданият ҳисобланган, — деди қазилма ишлари олиб бораётган гуруҳ раҳбари Маврисио Гардуно. — Ўша даврда бу маданият вакиллари соҳил бўйи қабилалари билан кенг савдо-сотик алоқаларини йўлга қўйиб, улар ўртасида обсидиан (шишасимон тоғ ҳамда вулқон жинси) ва чиғаноқлар айирбошланган ҳам. Бу ҳақида олдинги изланишлардан маълум бўлганди. Эндиликда асосий эътибор тахмин қилинаётган қабристонни излашга қаратилади.




### ТУШКУНЛИК — ТЎСИҚ

Океан орти тадқиқотчилари тушқун кайфиятдаги одамлар хурсандчиликка ўзида куч топа олмайди, деган хулосани тақдим этишди. Мэдисон (АҚШ)даги Висконсин университети мутахассисларининг фикрича, бунга сабаб депрессияга йўлиққан беморларнинг ижобий ҳис-туйғулар учун жавоб берадиган мия қисмларида фаолликнинг қузатилмаслигидир. Ўтказилган бу йўналишдаги охириги изланиш улар (мия қисмлари) узоқ пайт ичида хурсандчиликка мос фаолликда бўлмаслигини кўрсатди, деб ёзади «Нэйче Невросайнс».


Тадқиқот жараёнида иккита гуруҳ тузилди. Биринчисига тушқун ҳолатдаги 27 нафар, кейингисига — 19 нафар соғлом иштирокчи жалб этилган. Уларнинг барчасига салбий ёки ижобий ҳис-туйғуларни уйғотадиган тасвирлар намойиш этилган. Қатнашчиларга ҳиссий реакцияни кучайтириш, қайтириш ёки шунчаки сақлаб туриш техникаси ўргатилган. Сўнгра ўрганилаётган мия қисмларидаги фаоллиқни ўлчаш учун улар магнит-резонансли томография усули билан кузатиб турилган.

— Ҳаётга бутунлай бефарқлик, одатда хуш кайфият бағишловчи ҳолатда ҳам хурсанд бўлмаслик тушқунликнинг асосий белгисидир, — дейди тадқиқотчилардан бири Арон Келлер. — Аввалига мутахассислар ҳаётини хурсандчиликларга тўлиқ бефарқлик миядаги фаолликнинг сустлашиши билан боғлиқ, деган фикрда эди. Лекин сўнги тажриба пайтида аввалига беморлар миясида нормал даражадаги фаоллик қузатилган. Яқунда эса бу кўрсаткич кескин равишда пастлагани сезилди.



### КИТОБНИ 1 ДАҚИҚАДА СКАНЕР ҚИЛИШ МУМКИНИМИ?

Токио университети олимлари дақиқасига 200 саҳифани сканер қилиш тезлигига эга ускунани яратдилар. Қизиғи, саҳифа тасвирини сканерга тушириш учун китобнинг ҳар бир бетини алоҳида очиб ва ускуна экранига қўйиш шарт эмас. Бунинг учун бармоқ билан китобни тез-тез варақлаб туришнинг ўзи kifoya.




Янги қурилма бир секундда 500та юқори сифатли тасвир олиш мосламаси ва саҳифага горизонтал чизикларни проекцияловчи (оптик асбоб ёрдамида экранга тасвирни йириклаштириб туширувчи) лазер ускунасида иборат тизимга эга. Мазкур икки қисм сканерлаш жараёнида қайрилиб қоладиган китоб бетининг шакли ва матн қаторларини тиклаш имконини беради.

Ҳозирча янги ускуна жуда йирик ҳажмда, лекин тадқиқотчилар уни анча кичик шаклда яратишни мақсад қилишган. Келгусида бу турдаги ускуналар ҳаттоки смартфон каби портатив қурилмаларга жойлаштирилиши ҳам режалаштирилган, деб маълум қилади «Физорг» манбаси.

### МЕЗБОН ШАҲАРДА УЛКАН ШАРШАРА

2016 йили ёзги Олимпиада ўйинлари ўтказиладиган Рио-де-Жанейро шаҳрида улкан шаршара шаклидаги бино барпо қилинади. Аслида у мусобақалар ўтказиладиган баъзи объектларни электр қуввати билан таъминловчи станция вазифасини бажаради. «Инхэбитат» нашрида ёзилишича, иншоот махсус Қуёш панеллари билан жиҳозланган бўлади.

Уларнинг ёрдамида кундуз пайтида электр қуввати ишлаб чиқарилади. Қувватнинг қолган қисми денгиз сувини станция минорасига ҳайдаш учун сарфланади. Тунда сув иншоотдан чиқарилиб, шу тариқа у турбиналарни ҳаракатга келтиради. Натижада, Қуёш бўлмаган пайтда ҳам шаҳар электр энергияси билан таъминланади.




Баландлиги 105 метр бўладиган «шаршара-бино» лойиҳаси Швейцариянинг «РАФА архитек энд дизайн» компанияси томонидан ишлаб чиқарилди. Бинода тамаддихона, дўконлар ва кузатув майдончаси бўлиши режалаштирилмоқда.

### ЮПИТЕРНИНГ ЯНГИ «ҲАЛҚА»СИ?!

Мутахассислар ҳалқаси билан машҳур Юпитер яна битта айланга эга, дея тахмин қилишмоқда. Ҳозирча у сайёранинг иккита йўлдошлари тўқнашувидан юзага келган, деган фикр илгари суриляпти. «Нью Сайентист» манбасида келтирилишича, Юпитернинг тахминий янги ҳалқаси унинг Гималия йўлдоши ёнидаги билинар-биллинмас тасма сифатида тасвирларда намойён бўлмоқда. Илк маротаба эса бу ғайриоддий феномен 2006 йили Юпитер ёнидан учиб ўтган «Нью Хоризонз» самовий аппарати ёрдамида олинган суратларда кўринган эди.

Олимларнинг фикрича, ҳалқа исталган пайт ғойиб бўлиши мумкин экан. Унинг қачон пайдо бўлгани номаълум, лекин 2003 йили «Галилео» аппарати ёрдамида олинган расмларда ҳеч қандай ҳалқа кўринмаган. Янги самовий ҳосила Гималия йўлдоши яқинида бўлгани учун унинг вужудга келишига сайёранинг 170 километрли йўлдоши билан 4 километрли S/2000 J11 йўлдоши тўқнашуви сабаб деб кўрсатилмоқда. Айни пайтда тахминларнинг ҳақиқатга қанчалик яқин эканини илмий асослаш мақсадида изланишлар давом этаёпти.



### ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ КИТОБИ

Жанубий Кореянинг Кванжоу илм-фан ва техника институти тадқиқотчилари йиғма китобнинг янги такомиллашган шаклини яратишди. Бунинг учун улар уч йил давомида дастур ишлаб чиқишган. Эндиликда китобхон махсус кўзойнакни тақиб, қахрамонлар «3-Ди» форматда акс этадиган асарни мутолаа қилиши мумкин. Бу ҳақида infuture.com маълум қилди.

«3-Ди» технологияси асосида яратилган китобда корейс халқ эртақларидаги олов пурковчи аждарлар ва жасур қахрамонлар овоз жўрлигида акс этади. Ҳозирда янги авлод китобларига дижиблог бук номи берилди. Янги технология объектларни «3-Ди» форматда томоша қилиш билан бирга уларни ушлаш ва ҳидини туйиш имконини ҳам беради. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, улар виртуал реаллик технологияси асосида яратилган китоблардан мутлақо фарқ қилади. Чунки дижиблог буква уч ўлчамли анимацияни акс эттирувчи кўрсаткичлар ўрнатилган. Муштарий эгилганда ёки китобни тўнтарганда анимация ҳам шунга мос равишда ҳаракатланади.

Лойиҳа раҳбари Ким Сэнг Чеол мазкур технология исталган китобда қўллаши мумкинлигини маълум қилди. Ундан ҳатто смартфон экранини ва музей кўргазмаларида ҳам фойдаланса бўлади. Янгиликнинг самараси шу даражада таъсирли бўлдики, илк маротаба томоша қилганлар уни янги турдаги видео сифатида қабул қилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу изланишлар тўғрисида шиддат билан ривожланаётган мазкур йўналишдаги технологияларнинг ютуғидир.

### СУВ ОСТИДАГИ ОСМОНЎПАР БИНО

Бугунги кунда қатор тадқиқотчилар соҳил бўйидаги сув остида ҳаёт кечириш имконини берадиган «Баланд сувости иморати» лойиҳаси устида иш олиб бормоқдалар.

Жорий йилдаги «Воло Скайскрэйпер компетишн» осмонўпар бино ишланмалари мусобақасида мазкур йўналишдаги ғоя ташкилотчилар эътиборини тортди. Унда энергия тўпланиб, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш имкони бўладиган сувости иншоотини яратиш таклиф этилган.

Сарли Анре Саркум томонидан ишлаб чиқилган лойиҳада ўзига хос автоном сузувчи шаҳар, аниқроғи, ҳозирда «сувости ўпар биноси» номини олган қурилиш объекти тасвирланган. Иншоотда турли хил технологиялардан фойдаланилади. Хусусан, унда тўлқинлар, шамол, Қуёш нурлари ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқарилади, сув етишмовчилиги шароитида экинлар етиштирилади. Бинонинг юқори қисмида кичик ўрмон бўлиб, пастки қаватлари яшаш ва ишлаш учун мослаштирилган. У вертикал ҳолатда саккизоёқ қисқичларига ўхшаш посангилар тизими ёрдамида тутиб турилади.

Архитекторлар мазкур турдаги бино лойиҳаси орқали ер ва табиий бойликлар билан боғлиқ келажак муаммоларига қарши оқилона муҳандислик ечимини таклиф этишган. Маълумотларга қараганда, бугун сайёрамизнинг 71 фоизини океанлар эгаллайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, иқлим ўзгариши эътиборга олинмаган бўлса, инсоният учун тараққиётнинг энг мақбул йўлидан бири бу сув ҳудудларини ўзлаштириш ҳисобланади.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Республика таълим маркази жамоаси Аниқ фанлар бўлими бошлиғи ўринбосари Тен Людмила Николаевнага онаси Тен АЛЕКСАНДРАНИНГ вафоти муносабати билан таъзия билдиради.



Тошкент автомобиль йўллари институти, автомобильлар техник эксплуатацияси кафедраси профессори Муҳаммаджон Мусаҷоновнинг "Автотранспорт тармоғи корхоналарини лойиҳалаш" номи бакалаврият талабаларига мўлжалланган дарслиги "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" республика танловида фахрли ўринга муносиб, деб топилди.

2008—2009 йилларда эса М.Мусаҷонов ҳаммуаллифлигида "Тез ҳамда шошилинич тиббий ёрдам кўрсатиш хизматининг «Hyundai N-1 ambulance» русумли автотранспортини бошқариш ва сервис хизмати" бўйича 3та ўқув қўлланма (ҳайдовчиларга, мутахассисларга ва раҳбар ходимларга) яратилди.

Салоҳиятли педагог, тадқиқотчи олим ва яхши ташкилотчи М.Мусаҷонов ҳозирги кунда янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаб, илм-фан соҳасидаги энг охири янгиларни миллий истиқлол гоёси тамойиллари билан боғлаган ҳолда талабаларга сабоқ бераётир.

Шу ўринда унинг дастлабки муваффақиятлари мактаб давридан бошланганини алоҳида эътироф этиш жоиз.



вазифани энг яхши бажарибман. Математика ўқитувчиси эса трапеция юзасини аниқлаш сабоқларини амалда тушунтирганини айтиб ҳалиги боладан бироз ранжиган бўлди.

Бошқа ўқувчига эса физика фани ўқитувчиси масалани бундан кейин яхшироқ ўзлаштириб олиши кераклигини айтди.

Бу имтиҳондан англадимки, директор ўқувчиларнинг фани қандай тушунаётганликларини аниқлаб олган.

ниддан ака мени ёнига чақириб,

масала ечимининг осонроқ йўлини топсанг бўлмасмиди? — дея сўради имтиҳондаги жавоб варақамни кўраркан. Мен эса: «Қисқа йўл билан ҳамма ҳам еча олади, бошқа йўл билан ҳам ечиш мумкинлигини кўрсатмоқчи эдим», деб жавоб бердим. Аслида ўртқларимнинг илтимоси билан қисқа йўл билан ечилган жавобни уларга бериб, ўзим масалани бошқа йўл билан ечган эдим. Имти-

Орамиздаги одамлар



МУАЛЛИМЛИК ҲАҚИДА...

Менимча, ўқитувчи талабанинг шахсиятига теғмасдан уни дарсга жалб қилса, муносабат секин изига тушади. Кейин, XXI аср талабасига янги маълумот беринг, шунда унда қизиқиш пайдо бўлади. Агар савол таниш бўлса, талабанинг мавзуга қизиқиши камаяди.

Мана, 55 йил бўлибдики, талабаларга фан сирларини ўргатиб келаётиман. Муаллимлик — иноят. Ўқитувчи илми, фидойи, маҳоратли, шу билан бирга, актёр бўлиши, бир соатлик дарсни катта бир санъат асаридай тасаввур қилиши зарур. Эҳтимол, қайсидир касбни тасодифан эгаллаш мумкиндир, бироқ муаллимлик касби бундан мустасно. Биринчи навбатда, ўқитувчининг ўзи юксак тарбия мактабини ўтаган бўлиши керак.

Устознинг фикрларини тинглаб ўқитувчилик касбига яна бир бор меҳрим ошди.

Хулқар ФАРМОН қизи,  
"Ma'rifat" мухбири

БИРИНЧИ ВОҚЕА

Мактабимиз директори таълим масканимизда бўладиган ҳамма воқеалардан хабардор эди. Бир кун у танаффусдан қайтиб келасан, орамиздан 3 нафар ўқувчини хонасига олиб кирди. Ўқув йилининг иккинчи чорағи. Дир-дир титраймиз. Чунки директор хонасига одатда ёмон хулқли безори болаларни олиб киришарди. Ичкарига кирдик. Ўнг томонда терилган стулларга жойлашиб ўтирганимиздан сўнг директоримиз ҳар биримизни алоҳида сўроққа тутди. Биринчи

МАКТАБДАН ОТАШЛАНГАН ҚАЛЪ

боладан геометрия фанидан қайси мавзунини ўтганлигини сўради: — Трапеция ҳақида эди, — ерга қараб жавоб берди у.

Иккинчимизга физика фанига оид масала берилди. Ниҳоят менга ҳам навбат етганда кимё фанидан савол тушди. Тузларнинг ҳосил бўлишига доир кимёвий реакциялар ҳақида ёзишим керак. Директор ким неча

баҳога ўқишини тахминан биларди, назаримда.

— Мана энди қандай билим олаётганликларингизни аниқлайман, — дея бир ярим соатда қоғозларни йиғиб олишини айтди. Вазифани тезда бажариб, директор хонасидан чиқдим.

Навбатдаги дарсда кимё ўқитувчимиз А.Жабборов менга ҳаманинг олдида раҳмат айтди. Сабаби, берилган

ИККИНЧИ ВОҚЕА

Зайниддин Камолов математика фанидан жуда қаттиққўл, талабчан устозлардан эди. Мактабни олтин медалга битирувчиларнинг ёзма ишлари туман халқ таълими бўлими томонидан текширилди. ХТБга ўқитувчим билан бордик. Имтиҳон топширгач, натижалар маълум қилинди. Зай-

ҳондан кейин олтин медални менга беришди.

УСТОЗЛАРИ ИБРАТИ

Мактабдаги устозларимни — география, рус тили фани ўқитувчиларини кўп эслайман. Улар билан шунақа яқин эдикки, мавзу бўйича тополмаган китобларимизни кутубхонада йўқ бўлса, уйдан олиб келиб бизга беришарди...

Жамиятимизнинг барча соҳаларида ислохотлар амалга оширилаётган бир паллада устоз, мураббийлар илғорлар сафида туриши, зиммасидаги масъулиятни икки қарра чуқурроқ ҳис қилиши, бошқаларга ўрнак бўлиб иш юритиши бор гап. Шу маънода филология фанлари доктори, профессор Охунжон Сафаровнинг илму ижод жабҳасидаги фаолияти бугунги ёш авлод учун ибрат мактаби вазифасини ўташи тайин. Чунки у муаллимлик ва

ров республика олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларини фольклоршунослик бўйича зарур дарслик ва қўлланмалар билан таъминлаш соҳасида фаолият кўрсатиб келаётган устозлардан бири ҳамдир. Шу кунгача унинг таниқли фольклоршунослар билан ҳаммуаллифликда яратилган "Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди" (Т.Мирзаев, К.Имомов, Б.Саримсоқов, 1990) дарслиги, фольклор амалиёти жара-

Ta'lim fidoyilari



(П.Шермуҳаммедов, Ж.Турсунов, Х.Эгамовлар билан ҳамкорликда, 1976), "O'zbek bolalar adabiyoti va folklori" (1-китоб. Бухоро, 2008) ўқув қўлланмаси соҳанинг етук малакали мутахассисларини тайёрлашда муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Адабиётшунос олим О.Сафаровнинг адабий ҳаракатчи-

МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ

Фарзандлар бизнинг нуридийдаимиз. Умидимиз юлдузлари. Оиланинг ҳам, Ватанинг ҳам эртаси улар. Умримизга мазмун, мақсадимизга шиддат, кўнглимизга қувонч бағишловчилар ҳам ўғил-қизларимиздир.

Пойтахтимиздаги 52-сонли махсус мактабга ташриф буюрган киши бу сўзларнинг нечоғлик тўғри эканига ўзи амин бўлиши мумкин.

Tadbir



«Баркамол авлод йили» муносабати билан мактабимиз фаолиятига эътибор янада ошди. Тез-тез турли тадбирлар, ўқув семинарлари ва учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

2009-2010 ўқув йили — «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ўқув йили» муносабати билан илм масканида "Оила — кадрият ва маънавият бешиги" деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Унга ташриф буюрган ўқувчиларимизнинг ота-оналари, бувижонлари ҳамда маҳалла фаоллари фарзандларининг шеър, кўшиқ айтиб, рақс тушишларидан бир суюнсалар, адабий композиция ва сахна кўринишларини моҳирона ижро этишганидан ҳайратга тушдилар. Айниқса, юқори синф ўқувчи-қизларимиз ўртасида баҳорий таомлар тайёрлаш бўйича ўтказилган танлов ҳам гоят қизиқарли ва ибратли бўлди. Кеча давомида ўқув даргоҳи раҳбари Раъно Ҳамралиева фанларни пухта ўзлаштириб бораётган ва интизомли ўқувчиларнинг ота-оналарига Ташаккурномалар топширди.

Тадбир якунида илм масканининг ўқувчию ўқитувчилар, оила мавзусида ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар ҳамда маҳалла фаолларидан атрофлича жавоб олдилар.

Гўзал ПЎЛАТОВА

ҲАМ МУАЛЛИФ, ҲАМ МУРАББИЙ

олимликни эътиқод даражасига кўтариб, уни шарафлади, муқаддас билди. Ҳаётда ҳалол меҳнатни ҳамиша ўзига эш тутди. Олимлик, муаллимлик, мураббийлик ва жамоатчиликни омукта олиб борган О.Сафаров сиймосида бу фазилатлар ҳамиша одамийлик билан бақамти келди, ҳаловатидан кечиб меҳнат қилди, жиддий изланди. Ҳалол ижодий фаолияти ўлароқ илм равнақиға хизмат қила олувчи илмий асарлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилди. Энг муҳими, у халқ корига яровчи шогирдлар етиштирди.

Даврнинг, ижтимоий шароитнинг руҳи ва талабларидан илҳомланиб яшайдиган устоз яратган асарлар эса ёшлар учун маънавий ўғит тарзида гоётада қўл келмоқда. Устоз иштирокида яратилган дарсликлар таълим сифатини оширишда, айниқса, муҳим аҳамият касб этаётир.

Профессор Охунжон Сафа-

ёнида тўплаган тажрибалари асосида ёзилган "Фольклор практикаси" (М.Жўраев ва А.Турсунов билан, 1992) ўқув-услубий қўлланмаси, икки қисмдан иборат "O'zbek xalq og'zaki badiii ijodi" (Д.Ўраева билан, 2005), "O'zbek xalq og'zaki ijodi xrestomatiyasi" (Т.Мирзаев ва Д.Ўраева билан, 2008) ўқув қўлланмалари республика олий ўқув юртлирида, "O'zbekiston xalqlari etnografiyasi va folklori" (Д.Ўраева ва М.Қурбонова билан, 2007) дарслиги касб-хунар коллежларида ўқитилмоқда.

Изланувчан олим ўзбек адабиётшунослигида болалар адабиёти соҳасини ҳам дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминлаш ишига етарли улуш қўша олди. Бинобарин, унинг республика педагогика институтлари бошланғич таълим услюиёти факультети талабалари учун яратилган "Ўзбек болалар адабиёти" дарслик-хрестоматияси

лик тарихига бир назар йўналишида яратилган рисола ва мақолалари уни ўзбек адабий танқидчилиги тарихига қизиқтириб қўйди. Шу қизиқиши туфайли у Қарши давлат университети профессори, филология фанлари доктори Б.Йўлдошев ҳамда Бухоро давлат университети доценти, филология фанлари номзоди Шоира Аҳмедова билан ҳамкорликда "Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи" ўқув қўлланмасини яратишди.

Охунжон Сафаровнинг ёш авлодни тарбиялашдаги бу каби изланишлари фаоллиги, ижодий сермахсуллиги ёшлар учун ҳар томонлама ўрнак бўла олади.

Дармоной ЎРАЕВА,  
БухДУ профессори,  
филология фанлари доктори,  
Башорат ЖАМИЛОВА,  
БухДУ доценти, филология фанлари номзоди,  
Дилрабо ҚУВВАТОВА

ОФАТДАН САҚЛАНАЙЛИК!

Республикамиз худудидаги аҳоли турар жойлари ва халқ хўжалик тармоқларида содир бўлаётган ҳамда улари оқибатида юзага келаётган кўнгилсиз ҳолатлар фуқароларни ташвишга солади.

Содир бўлаётган ёнгинларнинг аксарият қисми газ ускуналари ва иситиш печалари, оловдан фойдаланган эътиборсизлик ва айёнгин хавфсизлигини таъбулишлари сабаб бўлмоқда.

Хонадонларда ёнгин каби кўнгилсиз ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида, хонадондан чиқиш вақтида барча электр мосламаларини ва газ ускуналарини ўчиришни, тандир ва ўчоқларни сомонхона, ўтинхона ва иморатларнинг яқинига қурмаслик, ёритиш чироқларини қоғоз ва матолар билан ёпмаслик, электр ҳисоблагичларда қўлбола ясалган сақлагичлардан фойдаланмаслик ва ҳақозоларга амал қилишинингизни тақлиф этади.

Максуд ҲАСАНБОВ,  
Миробод тумани ИИБ ЁХБ кичик инспектори



# «УМИД НИХОЛЛАРИ» МУСОБАҚАЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қарашли умумий таълим мактабларида ўқувчиларнинг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг III босқич баҳслари бўлиб ўтди. Унда республиканинг барча шаҳар ва туманларидан қатнашган 993 нафар ёш ўғил-қиз спортнинг 12 тури бўйича ўзаро куч синашди.

1-сонли республика кўп тармоқли ёш ўсмирлар спорт мактабининг залида белбоғли кураш ва

миллий кураш бўйича бўлиб ўтган беллашувлар мухлисларда катта қизиқиш уйғотди.

Кескин ва мурасасиз кечган баҳслар сўнггида миллий кураш бўйича Амударё тумани ёш полвонлари биринчи, Нукус ва Тахиятош шаҳри ёш спортчилари иккинчи ва учинчи ўринни, белбоғли кураш бўйича Нукус шаҳри ёш полвонлари биринчи, Нукус ва Мўйноқ тумани спортчилари иккинчи ва учинчи ўринни эгаллашга муяссар бўлди.

Нукус шаҳридаги 21-мактабда

эса ушбу мусобақанинг шахмат бўйича беллашувлари бўлиб ўтди. Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида Амударё тумани ёш шахматчилари 1, Тахиятош шаҳри, Чимбой тумани ёш спортчилари 2 ва 3-ўринларни эгаллаган бўлса, яқка биринчиликда тахиятошлик Р.Қайпанов, Д.Бекниязова, амударёлик Д.Ўринбоева ва қораўзаклик Г.Жиемуратова ғолибликни қўлга киритди.

А.ОРАЗОВ

Қорақалпоғистон Республикаси

## БАДИЙ ГИМНАСТИКА – ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ ТИМСОЛИ

Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали «Баркамол авлод» йилида ҳам бир қатор ибратли тадбирлар ташкил этишда давом этаяпти. Ана шундай йиғинлардан бири яқинда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Мақтабгача таълим

муассасалари тарбияланувчилари ва умумтаълим мактаблари ўқувчи қизларини спортга кенг жалб этиш мақсад қилинган мастер-класс намоёнлари ва унинг доирасидаги амалий семинар иштирокчилар учун кенг тажриба мактаби вазирасини ўтаб берди.

Унда Ўзбекистон Гим-

настика федерацияси мутахассислари ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида фаолият юритаётган тажрибали мураббийлар томонидан таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчилари, жумладан, хотин-қиз мураббийларга гимнастиканинг бошланғич элементлари ва спорт

машғулотларини олиб бориш жараёнлари ҳусусида махсус тренинглари ўтказилди.

— Бугунги тадбирда ўзимиз учун керакли амалий машғулотлар дастури билан янада яқинроқ танишиш имконига эга бўлдик, — дейди ёш спорт мураббийси Зумрад Турдиева.

Шаҳрибону ИМОМОВА

## ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК

Республикамиз олиқ ўқув yurtлари ўртасида ҳар уч йилда ўтказиладиган «Универсиада» мусобақалари жорий йил Андижон вилоятида ташкил этилади. Ҳозирда қатор олиқ таълим муассасаларида саралаш босқичлари беллашувларида ғолибликни қўлга киритган кўплаб ёшлар якуний мусобақада ҳам муносиб қатнашиш мақ-

садида қизгин тайёргарлик кўришяпти.

Ўзбекистон Миллий университети спорт жамоаси бу йилги беллашувларга ҳам астойдил тайёрланмоқда.

— Жамоа аъзолари бу галги мусобақаларда баскетбол, қўл тўпи, шахмат, стол тенниси, сузиш

бўйича қатнашади, — дейди спорт клубининг раиси, баскетбол бўйича спорт устаси Андрей Латинов. — Айтиш зарурки, спортда муваффақият машқ, маҳорат, омад, руҳий ва жисмоний тайёргарликка боғлиқ. Шу боис шогирдларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаёلمиз. Улардан умидимиз катта.

Захро ТҮРАЕВА

«Universiada—2010»

## САРАЛАШ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАРИ

Пойтахтимизда олиқ таълим муассасалари ўртасида «Универсиада—2010» мусобақаларининг навбатдаги саралаш босқичи баҳслари бўлиб ўтди. Унда республиканинг бир қанча университетлари терма жамоалари фаол қатнашди.

Беллашувларда жамоалар 12та спорт тури

бўйича ўзаро куч синашди. Бунда, хусусан, миллий кураш, футбол, дзюдо, шахмат, сузиш, баскетбол бўйича ғолиблар аниқланди. Кескин курашлар остида ўтган мусобақада мезбон Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси ҳам кўнгилдагидек иштирок этди. Ушбу

олиқ таълим даргоҳининг англиз филологияси факультетида таҳсил оладиган талаба Вика Маматқуловага сузиш бўйича тенг келадигани топилмай, у ғолиблик шохсупасининг энг юқори поғонасини эгаллади. Шу билан бирга, энглиз атлетиканинг уч хатлаб сакраш турида

университетнинг яна бир талабаси Юля Дешненская биринчи ўринга лойиқ топилди. Айни кунда саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган университет жамоалари республика миқёсида бўлиб ўтадиган якуний босқичга қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Нилуфар ҲАЙДАРОВА

## ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

Рустам Ашуров каби ёшларни кўрганда, қалблар беихтиёр ғурурга тўлади. Сабаби, Рустам каби интилувчан, ўзига талабчан спортчилар бугун дунё спорт майдонидида ўзбек байроғининг юқори кўтарилишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Рустам илк бора 4 ёшида дядаси Равшан Ашуров каратэ машғулотларига олиб келганини энтикиш билан эслади. Чунки ана шу танлов унинг келажак йўли, имкониятлари, орзуларига тамал тошини қўйди. У жуда катта қизиқиш ва интилиш билан каратэ сирларини ўргана бошлади. Ўшанда ҳар бир машғулотни интиқлик билан кутар эди. 10 ёшида илк бора чемпион бўлган қаҳрамонимиз кейинчалик 17 марта Ўзбекистон чемпиони бўлиш бахтига муяссар

бўлди. Бу ютуқларининг барчаси ота-онасининг доимий қўллаб-қувватлаши ва мураббийларининг саъй-ҳаракатлари, энг асосийси, бугун ёшлар учун яратилаётган имконияту шароитларнинг натижаси эканини таъкидлайди.

Қора белбоғ соҳибининг халқаро миқёсдаги ютуқлари ҳам жуда кўп. 2007 йили Болгарияда бўлиб ўтган Жаҳон кубогида олтин медаль соҳиби бўлиши ҳам Рустамнинг чинакам меҳнати натижаси эди. У 2009 йили Таиландда бўлиб ўтган Шарқ яққакураши бўйича ўтказилган Осиё ўйинларида ҳам биринчи ўринни эгаллашга мушарраф бўлди. 2009 йили Италияда бўлиб ўтган катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳам тенгсиз эканини исботлади. Ана шундай тиришқоқлиги сабаб икки карра жаҳон чем-

пиони халқаро тоифадаги спорт устаси мақомига эга бўлди. Мураббийси Фозил Худойназаров ҳам Рустамнинг ҳозирда эришган ютуқларидан хурсанд ва у бундан яхши натижалар кўрсатишига қодирлигини айтиб ўтди.

— Мен мураббийларим, ота-онам, қолаверса, халқимизнинг ишончини оқлаб жаҳон чемпиони номига мушарраф бўлганимдан жуда хурсандман. Менга нисбатан билдирилган ишонч кўп нарсани ҳал қилишига гувоҳ бўлдим. Келажакда ҳам ана шу ишонч кучи билан ғалабага интиламан, — дейди чемпион биз билан суҳбатда.


Рустам Ашуров ҳозир бу йил Хитойда ўтказиладиган Осиё ўйинларига тайёргарлик кўраяпти.

Санобар ЖУМАНОВА,  
«Ma'rifat» мухбири

## МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОА РАҲБАРИ ЎЗГАРДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи бўлиб фаолият юритган Миржалол Қосимов ўз вазирасидан озод қилинди. Унинг ўрнига ҳозирда Олий лигамизда ташкиллаштирилган 3-тур натижаларига кўра пешқадамлик қилаётган «Локомотив» клуби устаси Вадим Абрамов тайинланди.


Мазкур қарор бугун ўтказилган Ўзбекистон футбол федерацияси Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилишида қабул қилинди. Мураббийлар штаби ҳали тўла тасдиқланмади. Қарорга кўра, В.Абрамов ўзининг энди собиқ жамоасидаги фаолиятини якунлайди ва маҳорат ҳамда тажрибасини терма жамоани шакллантиришга қаратади. Шу билан бирга, ЎФФ Терма жамоалар маркази бош директори этиб Асқар Толибжонов тайинланди. В.Абрамов икхтиёрида қўлга биринчилиги ва 2014 йилги мундиал саралаш ўйинларига қадар етарли вақт бор.



## НАДАЛ 3-ЎРИНГА КЎТАРИЛДИ

Таниқли испаниялик теннисчи Рафаэл Надал АТР рейтингда аста-секин аввалги мавқеини тиклаб бораётир. У душанба кунини қилинган (унда спортчиларнинг сўнгги 52 ҳафтадаги фаолияти инобатга олинган) навбатдаги ракеткачилар рўйхатида 6980 очко билан учинчи поғонада кўрсатилди.


Надалнинг мазкур муваффақиятига АҚШнинг Майами шаҳрида бўлиб ўтган «Мастерс» туркумидаги халқаро турнирдаги иштироки сабаби бўлган. Ундан кейинги ўринда британиялик теннисчи Энди Мюррейдир. Испаниялик спортчи Майамида ярим финалгача етиб келган бўлса, Мюррей дастлабки учрашувдаёқ мағлубиятга учраганди. Кучлилар ўнталигини ҳамон швейцариялик теннисчи Рожер Федерер бошқариб бораётир. Унинг ҳисобида 10765 очко бор. Иккинчи поғонада қайд этилган сербиялик Новак Жокочич жамғармасида эса 7630 очко мавжуд. Майами шаҳрида ниҳоясига етган улкан турнирда Федерерни энгнан америкалик Энди Роддик эса 7-ўринга кўтарилиб олди. У швед спортчиси Робин Содерлинг билан бир хил очко тўплаган. Россиялик Николай Давиденко 6-теннисчи сифатида эътироф этилган.



## ЕТАКЧИЛАР МАҒЛУБИЯТГА УЧРАДИ

Миллий баскетбол ассоциацияси (МБА)нинг Фарбий ва Шарқий конференцияларида етакчилик қилаётган «Лейкерс» ва «Кливленд» клублари дам олиш кунини бўлиб ўтган учрашувларда мағлубият аламини тотиб кўришди, дея хабар тарқатилди ассоциация сайтида.

Калифорнияликлар ўз майдонидида кечган ўйинда «Сан-Антонио»ни енголмади, ҳақамнинг сўнгги ҳуштагидан кейин таблода



81:100 ҳисоби ёниб турарди. МБАнинг амалдаги чемпиони вакили По Газол келтирган 32 очко ҳам жамоасига наф бермади. «Лейкерс» етакчиси Коби Брайантнинг 22 очкоси эса унинг ўзига натижа сифатида ёзиб қўйиладиган бўлди. «Кавальерз» жамоаси «Бостон»га қарши ўтган ўйинда 113:117 ҳисобида имкониятни бой берди. Қолган матчларда томошабинлар қўйидаги натижалар гувоҳи бўлишди: «Индиана» — «Хьюстон» 133:102, «Орландо» — «Мемфис» 107:92, «Торонто» — «Голден Стэйт» 112:113, «Вашингтон» — «Нью-Жерси» 109:99, «Оклахома Сити» — «Миннесота» 116:108, «Клипперс» — «Нью-Йорк» 103:113.

## КАМАР САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Дам олиш кунини чарм қўлқоп спортини — бокс ихлосмандлари кўпдан буён интиқлик билан кутаётган муштлашув бўлиб ўтди.

Унда оғир вазнда WBA таснифи бўйича чемпионлик камарига эгалик қилаётган британиялик таниқли спортчи Дэвид Хэй америкалик рақиби Жон Руисга қарши ҳимоя жангини ўтказди. Англиянинг Манчестер шаҳрида кечган ажайиб тўқнашув оқшомида амалдаги чемпион Руисни тўққизинчи раундда техник нокаутга учратди. 29 ёшли британиялик боксчи океанортилик чармқўлқоп соҳибини муштлашув мобайнида уч маротаба: биринчи, бешинчи ва олтинчи раундларда қийин аҳволга (ноқдаун) солиб қўйди, дея хабар берди «AP». Шундай қилиб, камар ўз эгасида қолди.



Дилноза НУРМУҲАМЕДОВА,  
Лазиза СУЛТОНОВА, Нурбек АБДУҲАЛИЛОВ  
тайёрлади.



(Боши 1-бетда)

Республикамиз Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар musiqa ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустахкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ҳам баркамол авлод тарбияси йўлидаги бир қатор ижобий ишларга туртки бўлгани, шубҳасиз.

Маълумки, айти кунда Халқ таълими вазирлиги тасарруфида 303та musiqa ва санъат мактаблари ва 2та Республика musiqa академик лицейи фаолият юритиб келмоқда. Ушбу масканларда фортепиано, торли чолғулар, дамла ва зарбли чолғулар, анъанавий хонандалик, халқ чолғулари, анъанавий чолғу ижрочилиги, эстрада ижрочилиги, musiqa назарияси, хор дирижёрлиги, жўрнавон, рақс санъати, театр санъати, тасвирий санъат, амалий санъат йўналишлари мавжуд бўлиб, ўқувчилар қизиқишларига кўра уларга жалб этилган. Ўтган йили республикамиздаги бта musiqa ва санъат мактаблари янгича замонавий қиёфа касб этган бўлса, бу йил мазкур жараён доираси янада кенгайиб, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция ишлари давом эттирилмоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 2-сонли болалар musiqa ва санъат мактаби ҳам дастур доирасида капитал реконструкциядан сўнг барча қулайликларга эга бўлиб, жаҳон андозалари даражасида жиҳозланди.

### ХОРИЖЛИК МЕХМОНЛАРНИНГ ХАЙРАТИ

... Маҳалла кўчалари бўйлаб борарканмиз, кимдан суриштирмайлик, «Янги musiqa мактабими?..», дея қандайдир ички бир қувонч билан манзил томон ишора қилади. Мени бир жиҳатдан кўпчиликнинг мазкур гўша ҳаёти билан озми-кўпми танишлиги, яна юрtdаги бунёдкорликдан фахрланиш ҳисси суюнтирди. Чиндан ҳам, муассасадаги янгиланиш бу ерда ўқиш истагини билдирганлар сонини бирмунча оширди. Ота-оналар, жамоатчилик эътиборини тортди. Жамоа аҳлига кўтаринки ижодий кайфият улашди. Мактаб биносининг ташқи қиёфасига ўзига хослик бахш этиб турган дераза тоқчаларидаги оч пушти ранг гуллар, чор-атрофдаги яшил олам, осудалик ва бу соқинликни гўёки уйғотишга чоғланаётгандек таралаётган musiqa оҳанглари кишини гўзал бир дунё сари бошлади. Ҳа, кўнгилларни чертиб-чертиб наволар ўргатилади, ўрганилади бу гўшада. Юраклар жўшиб-жўшиб куйлайди, рақснинг сеҳрли жозибаларига мафтун бўлади...

— Бундай муҳташам бинода ишлашни бир пайтлар орзу қилардик, холос, — дейди мактаб директори Сайё-

ра Одилова. — 1947 йилда қурилган бино 1957 йили musiqa ва санъат мактаби учун мослаштирилган бўлиб, унгача бир томони поликлиника, бир томони ётоқхона вазифасини ўтаб келган эди. Синф хоналари тор, деразалардан қўёш нури яхши тушмаганданми, йўлаклар кундуз кунни ҳам нам ва қоронғу бўларди. Биласиз, синф хоналарининг бирида дутор чалинса, иккинчисида доира чертилиб, ўқувчиларга сабоқ берилади. Бинодаги имкониятларнинг торлиги эса машғулотларнинг бир-бирига ҳалақит қилишидек ҳолатни юзага келтирарди.

Янги қад ростлаган бинода эса шу каби жиҳатларга алоҳида эътибор берилган. Деворлар орасига махсус мосламалар ўрнатилгани, эшикларнинг икки қаватлиги, дераза ойналарининг шовқинни ўтказмаслик хусусиятига эгалиги барча синфларда эркин шуғулланиш учун шароит яратган.

— Ўтган йилнинг ноябрлари эди, адашмасам. Кореядан келган делегация бизнинг муассасамизга ҳам ташриф буюрди. Меҳмонлар хоналарни айланишиб экан, яратилган шароитларни кўриб росманасига ҳайратланиш-

### Qaror va ijro

нинг ўзида бир неча вазифаларни адо этади, — дея доскага ўрнатилган клавишларни ноталар оҳангига мослаб босади Сайёра Одилова. — «Musiqa назарияси»дан дарс ўтиляётганда ўқувчиларга дастлаб тушунча берилади, сўнгра musiqaнинг чалиниши доскада кўрсатиб ўтилади. Ўқитувчи кўрсаткич таёқчаси билан нотанинг қаерда ёзилишини кўрсатса товуш чиқади. Демак, ўқувчи ҳам назарий билим олади, ҳам кўради, ҳам эшитилади. Мактабимиздаги 23та дарс, 2та хореография хоналарининг барчаси ана шундай замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Ахборот-ресурс марказидан зарурий адабиётларнинг жой олиши, айтиқса, педагоглар учун қувончли бўлди. Чунки ўргатиляётган ҳар бир асар, аввало, ноталар асосида ўқувчи онгу шуурига сингдирилади. Бундай манбаларни топиш эса бир пайтлар соҳа ходимлари учун бирмунча қийинчиликлар туғдирарди.



# УШАЛАЁТГАН

# ОРЗУЛАР



ди. Бугун дунё нигоҳидаги давлатлардан биридан келган ҳамкасбларимизнинг бу эътирофи мамлакатимизда musiqa ва санъат ривожини, ёш авлод тарбиясига берилёётган катта эътиборнинг яна бир тасдиғи эди, — дейди фахр билан С.Одилова.

### ЭЛЕКТРОН НОТАЛИ ДΟΣКА

Мактаб икки юз ўринга мўлжалланган бўлиб, ўқувчилар фортепиано, скрипка, гитара, ўзбек халқ чолғулари, эстрада хонандалиги, тасвирий санъат, хореография йўналишлари бўйича тажрибали устозларидан санъатнинг сир-асрорларини ўрганишмоқда, ўз иқтидорларини ривожлантиришмоқда. Муассасанинг барча керакли жиҳозлар, musiqa асбоблари, адабиётлар билан таъминланиши сабоқларнинг самарадорлигини ошириб, ўзлаштириш даражасининг юқори бўлишига хизмат қилмоқда.

— Мана бу электрон доска бир пай-

— Фаолиятимизга дахлдор янгиликлардан яна бири — суҳбатимизни давом эттиради С.Одилова, — боланинг қизиқиши ва имкониятларига қараб, дейлик умумтаълим мактабининг 7-синфида ўқиётган бўлса, яна икки йил бизда ўқишини давом эттириши мумкин. Чунки фортепиано, скрипка йўналишларида ўқиш 7 йил, қолган йўналишларда эса 5 йилдан иборат. Мактабимизни тугатган ўғил-қизларимиз musiqa йўналишларидаги академик лицей ёки касб-хунар коллежларига киргунларига қадар машғулотларида узилиш юзага келиши мумкин. Musiqa таълими эса узвийликни талаб этади.

### МУНОСИБ ЖАВОБ

Musiqa мактабида аjoyиб анъана бор. Мазкур даргоҳ сабоғини олганларнинг кўпчилиги касб-хунар коллежлари, олиий ўқув даргоҳлари таҳсилини олгач, иш фаолиятларини шу масканда давом эттиришади. Алена Салова, Юлия Хитренко, Дурдона Йўлдошева шулар

жумласидан. Улар бу гўшада санъатга астойдил муҳаббат қўйишган, устозларидек мураббий бўлиш орзуларини кўнгилларига тугишган. Шунингдек, мактабда таҳсил олаётган ўқувчилар ўртасида турли танловларда муваффақиятли иштирок этаётганлар сафи ҳам кенгайди. Биргина «Болалар musiqa ва санъат мактаблари ўқувчиларининг академик чолғулар ва эстрада ижрочилиги» танловининг шаҳар босқичида Лола Имомова, Мохларойим Ёқубова, Диана Инъ, Андрей Шахваростов фахрли учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Шу ўринда фидойилик билан меҳнат қилаётган Зурия Мовсеянц, Ирина Маилянц, Людмила Хетагурова сингари мураббийларнинг номини алоҳида тилга олиб ўтиш ўринлидир. Устозлар шогирдларига фақат musiqa сир-синоатларинигина эмас, инсоний фазилатлар сабоғини ҳам бериб боришга алоҳида эътибор қаратадилар.

Мактаб маҳаллалар бағридан жой олгани боис ҳам «Сайрәм-14» маҳалласи билан musiqa марказини ўртасида доимий муносабатлар ўрнатилган. Тадбирлар ҳамкору ҳаммаслақликда уюштирилади. Яқиндагина ёш истеъдод соҳиблари маҳаллада истикомат қилаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, имконияти чекланган болажонларни мактабнинг шинам концерт залига таклиф этиб, улар учун концерт дастурлари тақдим этишди, совғалар улашишди. Musiqa мактабининг собиқ битирувчилари тез-тез бу ерда бўлиб, тадбирларда иштирок этишади, ука-сингиллари билан бирга саҳнага чиқишади.

...Баҳор мактаб ҳовлиси, чор-атрофини яна ям-яшил гўзалликка буркади. Табиатнинг бу файзига янада чирой бахш этиш учун жамоа аҳли ҳам турли кўчатлар, гуллар ўтказишди. Бу амалда ҳам бир ҳикмат яшириндек: яратилган имконият ўз маҳсули билан салмоқли. Орзуларнинг ушалиши эса янгидан-янги истеъдодларнинг кашф этилиши, камол топиши билан хайрлидир.

**Ойбуви ОЧИЛОВА**  
**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**



## Ma'rifat

### ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва о'рта махсус та'лим вазирлиги, Ўзбекистон Та'лим ва fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir vazifasini vaqtincha bajaruvchi: Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Abdusamat RAHIMOV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-322. Tiraji 40954. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir: Nargiza IBROHIMOVA. Navbatchi: Behzod FAZLIDDINOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maхsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonа manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 22.30. ЎЗА яқуни — 21.00